БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 186 (17.170). ● 15 август 1978 йил, сешанба ● Баҳоси 2 тийин.

ЎЗАРО ТЕКШИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қардош пахтакор республикаларнинг вакиллари далаларимизда бўлиб, ўниничи беш йилликнинг зарбдор йилида амалга оширилаётган ишлар билан танишмоқдалар, мўл ҳосил етиштириш йўлида дўстона маслаҳатлар бермоқдалар. Суратда: тожикистонлик пахтакор биродарларимиз Сурхондарё областининг Сариосиё районидаги «Узбекистон» колхози далаларида.

УзТАГ фотохроникаси.

ИККИ ПЛАНДАН ОРТИҚ

ПЕШКУ («Совет Узбекистони» махсус мухбиридан телефон орқали олинди). Район меҳнаткашлари зарбдор йилда маккажўхоридан юқори ҳосил етиштирдилар, илғор хўжаликлар ўрим-йиғимни ипатоволиклар методи асосида ташкил қилиб, икки-уч иш кунида муваффақиятли тугалламоқдалар. Район бўйича шу кунга қадар давлат омборларига планда кўзда тутилган 1062 тонна ўрнига 2.226 тонна сараланган дон топшириб, икки пландан зиёд кўрсаткичга эришдилар. Районда биринчи марта шунча кўп маккажўхори дони тайёрланди.

Район партия комитети ўрим-йиғимни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган тадбирларни амалга оширмоқда. Унумдор далаларда ипатоволиклар методи асосида 26 та комбайн узлуксиз ишлатилмоқда. Фрунзе номли, Жданов номли, «Москва», Навоий номли, «Ленинизм» колхозлари ўрим-йиғимни жуда қисқа фурсатда тугаллади, ҳосилдорликни кескин кўтарди, исрофгарчилик ҳолларини бутунлай тугатди. Дон билан бир қаторда маккажўхори поясини ҳам фермалар ёнига ташиб келтирилмоқда.

Барча колхозлар ўзларини сараланган, навли уруғлик билан таъминлади, маълум миқдорда эҳтиёт фонди ажратилди. «Вобкент» совхози ва барча колхозларда ҳозиргача 7 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли маккажўхори силоси бостирилди. Лекин бу ҳали кам. Чорвадорлар силос бостиришни кескин кўпайтириш учун қизғин курашмоқдалар. Айни кезда маккажўхори ҳосили йиғиштириб олинган майдонлар тезкорлик билан шудгорланиб, катта қисмига такрор маккажўхори, илдизи озуқа бўладиган экинлар экиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Пешкулик азамат маккажўхорикорлар она-Ватанга пландан ташқари яна бир минг тонна маккажўхори дони етказиб бериш учун мусобақани кучайтирмоқдалар.

ЯНА МИНГ ТОННА САБЗАВОТ

ҚАЛИНИН («Совет Узбекистони» махсус мухбири). Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, жонажон Коммунистик партиямизнинг XXV съезди, Узбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, Оржоникидзе номли колхозининг А. Нуржонов бошлиқ учинчи бригадаси аъзолари сабзавот бўйича 1978 йил учун белгиланган халқ хўжалик планини шараф билан бажардилар.

Тошкент шаҳри ва Иттифоқимизнинг саноат районлари ишчи-хизматчиларига 941 тонна ўрнига 1000 тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди.

Меҳнатсевар коллектив ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, икки план миқдорида сабзавот маҳсулотлари етиштириб беришга аҳд қилдилар. Эл дастурхонига яна 1000 тонна сабзавот маҳсулотлари тортиқ қилинади.

КАТТА СИНОВ ОЛДИДА

Толамизнинг толеи баланд. Мамлакатимизнинг интернационал бойлиги бўлган пахтамиз эл эъзозида. Унинг бунёдкори олтин қўлли кишилар, дея мадҳ этилмоқда. «Оқ олтин»ни қайта ишловчи тармоқ ходимлари— пахта тозалаш саноати меҳнаткашлари масъулиятли паллага қадам қўйдилар. Улар КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитетининг Пленумлари қўрсатмалари асосида иш тутиб, пахта толаси ва пахтадан олинадиган бошқа маҳсулотлар сифатини ошириш учун зарур чора ва тадбирларни кўрмоқдалар. Янги ҳосилни қабул қилиб олишга шайланмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш программасини белгилаб берди. У пахтакорлар ва пахта тозаловчилар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда қилган докладида: «Пахтани юқори сифатли қилиш мамлакатдаги барча пахтакорларнинг асосий вазифаси» деб алоҳида таъкидлади. Бутун мамлакатимиз пахтакорлари сингари Ўзбекистон пахта тозалаш саноатининг ходимлари ҳам бу йўл-йўриқ ва маслаҳатларга амал қилиб, «оқ олтин»дан олинадиган маҳсулотлар сифатини янада ошириш учун баланд руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.

Самарқанд областидаги Зирабулоқ пахта тозалаш заводининг шонли коллективи КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларига жавобан янги мавсумга пухта тайёргарлик кўриш юзасидан ибратли ташаббус бошлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети зирабулоқликларнинг «Юқори сифатли «оқ олтин» учун!» шнори остида зиммага олган юксак социалистик мажбуриятларини маъқуллади. Янги техника ва илғор технологиянинг кенг жорий этилиши корхонада техника-иқтисодий кўрсаткичларни мунтазам яхшилаб бориш, юқори сифатли тола тайёрлаш, ҳосилни ўз вақтида қабул қилиб олиш, қайта ишлаш, сифатли сақлашга имкон бермоқда.

Бу янги ватанпарварлик ташаббуси республикамиз саноати шу тармоғи корхоналарида кенг қўллаб-қувватланмоқда. Пахта тозалаш саноати корхоналарининг меҳнаткашлари зарбдор йилнинг масъулиятли марраларини муваффақият билан эгаллаш учун кураш мусобақасини авж олдириб, яқинлашиб келаётган мавсумга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар ташаббускор завод коллективининг: «Мамлакатимиз ва қардош социалистик мамлакатларнинг тўқимачилик, озиқ-овқат ва химия саноати ходимларини юқори сифатли хом ашё билан таъминлаш учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қиламиз» деган даъватини астойдил қўллаб-қувватлаб, етиштирилган пахтанинг табиий сифатини тамомила сақлаган ҳолда истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб беришга аҳд қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Зирабулоқ пахта тозаловчиларининг социалистик мажбуриятларини маъқуллаб, область, шаҳар ва район партия комитетлари, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги зиммасига бу илғор корхона меҳнаткашларининг қимматли ташаббусига ҳар томонлама мадад кўрсатиш вазифасини юклади. Илғор корхоналарнинг партия ташкилотлари бу ташаббуснинг кенг ёйилиши учун сиёсий-тарбиявий ишлари кучайтириб юбордилар.

Бироқ, айрим пахта тозалаш саноати корхоналари янги мавсумга ҳозирлик ишларини ҳанузгача жадаллаштириб юбормаганлар. Масалан, Наманган область пахта тайёрлаш ва уни дастлабки ишлаш бирлашмаси корхоналарида зарбдор йил ҳосилини бетўхтов қабул қилиш учун сут ҳозирлик кўриляпти. Бирлашма заводларидан 9 таси, тайёрлов пунктларидан 40 тадан кўпроғи ремонтдан чиқарилган бўлса ҳам, бошқа корхоналарда пахта тозалагич ускуналарнинг сим тўри, пневматик қувурлар, вентиляторларнинг роторларига катта эҳтиёж сезилмоқда. Бу анчайин камчиликлар эмас. Шу ускуналарнинг етишмаслиги пахта қабул қилинадиган долзарб кунларда транспортёрлар ва бошқа механизмларнинг ишламай туришига сабаб бўлади.

Пахта тозалаш саноати учун зарур машина ва ускуналар етказиб берувчи корхоналар катта мадад кўрсатишилозим. Бу ғаш аввало, «Ташхлопкомаш» заводи раҳбарлари ва партия ташкилотига тааллуқлидир. Корхона пахта тозалаш заводлари ва қабул пунктларига ускуналар етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларни вақтида бажармаяпти. Оқибатда пахта заводларини мавсумга тайёрлаш кечикмоқда. Каттақўрғон, Андижон шаҳар корхоналари ҳам пахта тозалаш саноати буюртмаларини қониқарсиз бажаряпти.

Пахта сифатини оширишнинг кўпгина масалалари борки, уларни муваффақиятли ҳал этиш партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг хўжалик органлари билан биргаликда катта иш олиб боришларини тақозо этади. Омборлар етишмаслиги сабабли пахта йил бўйи очиқ ҳавода сақланмоқда. Машинада терилган пахтани қабул қилиш, тозалаш ва сақлашнинг илмий асосланган технологиясига тегишинча риоя қилинмаяпти. Машинада терилган пахтага нисбатан қўлда терилган пахта учун ишлаб чиқилган талаблар қўйилмоқда. Республика Пахта тозалаш саноати министрлиги пахта қуритадиган цехлар, тозалайдиган объектлар, маҳсулот сақлаш омборлари қуриш суръатларини тезлаштириши лозим. Машинада терилган пахтани қайта ишлаш ва тозалаш технологиясини такомиллаштиришга доир тажриба-конструкторлик ишлари кучайтирилиши керак.

Вазифа — зарбдор йил мўл ҳосилини бетўхтов қабул қилиб олишга пухта тайёргарлик кўришдан, унинг сифатли сақланиши, пахтани қайта ишлашда маҳсулотнинг ноёб техникавий хусусиятларини сақлаб қолишга эришишни таъминлашдан иборат.

Шубҳа йўқки, пахта тозалаш саноатининг ишчилари ва мутахассислари партия даъватига амалий иш билан жавоб берадилар, илғор тажрибаларни кенг ёйдилар, ўниничи беш йиллик учинчи йили ҳосилини пешма-пеш қабул қилиб олишни уюшқоқлик билан бошлаб юборишга пухта ҳозирлик кўрадилар, саноатга юқори сифатли маҳсулот етказиб беришдан иборат интернационал бурчларини садоқат билан бажаришни таъминлайдилар. Бу, пахта тозаловчиларнинг КПСС XXV съезди қарорларини адо этишга қўшадиган амалий жавоблари бўлади.

ҚАҲРАМОН БОШЛИҚ БРИГАДАДА

НАМАНГАН («Совет Узбекистони» мухбири). КПСС XXV съезди қатнашчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдураҳмон Жўраев бошлиқ бригада пахтакорлари партия Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларига жавобан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар. Миришкорлар 110 гектар ернинг ҳар гектаридан 55 центнер ўрнига 60 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини олдилар. Бригаданинг ҳар туп ғўзасида 10-12 тадан тўқ кўсак ҳосил қилинган.

Қаҳрамоннинг бригадасида ялпи ҳосилнинг 90 процени машиналарда терилади. Шу мақсадда иккита «Узбекистон» терим агрегати мавсумга тайёрлаб қўйилди. Яқин кунларда дефолиация бошлаб юборилади. Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхози правлениеси ва бошлангич партия ташкилоти Абдураҳмон Жўраев бошлиқ бригада деҳқонларининг ватанпарварлик ҳаракатини маъқуллади.

ҲАМ ЎРГАНИБ, ҲАМ ЎРГАТИБ

САМАРҚАНД («Совет Узбекистони» мухбиридан). Озарбайжонлик пахтакорларнинг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари бир неча кундан бери областнинг колхозлари ва совхозларида бўлиб, пахтадан юқори ҳосил етиштириш борасида қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини кўздан кечирмоқдалар. Озарбайжон ССР қишлоқ хўжалик министри М. Х. Аскеров Пахтачи районидаги «Коммунизм», Киров номли, Нарпай районидаги «Октябрь», Хатирчи районидаги Чкалов номли, Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли, Пайариқ районидаги Карл Маркс номли колхозлар, «Пайариқ» совхозида юксак мажбуриятларни қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштириш учун курашилаётганини мамнунлик билан таъкидлади.

— Иштихон районидаги «Халқобод», Охунбобоев номли колхозлар ва бошқа хўжаликларда август ойи чинакам ҳосилга ҳосил қўшиш ойига айлантирилган, — дедк Аҳамдам район партия комитетининг иккинчи секретари Дилрабо Мустафоева, — бу хўжаликларда культивация кучайтириляпти, ғўзалар органик ўғитлар билан озиқлантириляпти, суғориш меъёрида ўтказиляпти. Ҳар туп ғўзада 7-8 тўқ кўсак бор.

Мусобақадошлар Оқдарё, Жомбой районларининг айрим хўжаликларида ғўза парвариши сусткашлик билан олиб борилаётганини, Пайариқ районидаги «КПСС XX съезди», Димитров номли колхозларда ғўзалар устма-уст суғорилиб, ғовлатиб юборилганини, суғориш билан культивация орасида узилишга йўл қўйилаётганини аниқладилар. Ҳамма жойда ғўза парваришини пахта йиғим-терими бошлангунча қизғин давом эттириш зарурлигини маслаҳат бердилар, айни кезда машина теримига тайёргарликни бутун чоралар билан кучайтириш кераклигини таъкидладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ VII ВА VIII ПЛЕНУМЛАРИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА СУТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ВА СУТ ЧОРВАЧИЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шуни қайд этадики, Тошкент область партия комитети ва областдаги кўпгина район партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини бажара бориб, жамоат чорвачилигини ва унинг етакчи тармоғи —сут чорвачилигини ривожлантириш соҳасига катта иш қилмоқдалар.

Тўққизинчи беш йиллик мобайнида ва ўниничи беш йилликнинг икки йили ичида область колхоз ва совхозларида қорамол туёғи 28 процент, шу жумладан сигирлар 29 процент кўпайди, сут етиштириш 80 процент ортди. 1977 йилда ҳар бош сигирдан 3110 килограмм сут соғиб олинди, ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут миқдори 1970 йилга нисбатан 1175 килограмм кўпайди. ғўштга топшириладиган қорамолнинг вазни 287 килограммдан 400 килограммга етказилди. Сермаҳсул хўжаликлар йил сайин кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда областдаги 171 хўжаликдан 84 таси ёки қариб ярмиси ҳар бош сигирдан 3000 килограммдан ошириб, улардан 14 таси 4000 килограммдан зиёд сут соғиб олмоқда.

Буларнинг ҳаммаси область партия ташкилотининг чорвачилик ем-хашак базасини мустаҳкамлаш тадбирларини изчиллик билан амалга ошираётганининг натижаси бўлди. Область колхоз ва совхозлари экинларни аралаштириб экиш ва алмашлаб экишни жорий этиб, бедапоялар ва бошқа хашаки экинлар майдонини кенгайтирдилар, уларни парвариш қилиш агротехникасини яхшиладилар ва ҳосилдорлигини оширдилар. Ем-хашак етиштириш йил сайин кўпаймоқда ва сифати яхшиланмоқда, уларни йиғиштириб олиш, асраш ва молга бериш технологияси такомиллаштирилмоқда. Ўтган 7 йил мобайнида областда ялпи ем-хашак етиштириш 2.2 ҳисса ортди, суғориладиган экинзорларнинг ҳар гектаридан олинадиган озуқа бирлиги ўрта ҳисобда 5.8 минг килограммга етказилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII ва VIII пленумлари қарорларига биноан областда чорвачиликни концентрациялаш, ихтисослаштириш ва хўжаликлараро кооперациялашга доир қўшимча тадбирлар амалга оширилмоқда. Қорамолларни боқиб ўстирадиган ва семиртирадиган, сут етиштирадиган ва ғунажинлар етиштириб берадиган комплекслар қурилди. Фермаларни реконструкция қилиш ва сермеҳнат ишларни комплекс механизациялашни жорий этиш иши ўтказилмоқда. Сигирларнинг 90 проценти машинада соғилмоқда, кўпчилик колхоз ва совхозларда озуқа тайёрлайдиган корхоналар ва ем-хашакни молга бериш тайёрлайдиган цехлар ишлаб турибди.

Чорвачиликни ривожлантириш масалалари доимо партия ташкилотларининг диққат марказида турибди. Область партия комитети район партия комитетларининг ҳисоботларини мунтазам равишда тингламоқда, жойлардаги ташкилотчилик ишини яхшилаш тадбирларини кўрмоқда, фермалардаги партиявий таъсир ва контролни кучайтирди. Энг яхши хўжаликлар базасида мунтазам равишда семинарлар ўтказилмоқда.

Кундалик ишда чорвадорларнинг социалистик мусобақасига, унинг таъсирчанлиги ва оммавийлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Ферма ходимларини маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирлари кўрилмоқда, юксак маданият ва энг юқори меҳнат унумдорлиги учун конкурслар ўтказилмоқда. Бу йил 1000 центнер ва ундан кўпроқ сут соғиб олган 67 сут соғувчи «Бир мингчилар» деб аталиш ҳуқуқини олди. Социалистик мусобақада ғолиб чиққан хўжаликлар ҳар ойда кўчма Қизил байроқлар билан мукофотланмоқда. кўпгина хўжаликларда ҳар ўн кунда ғолиблар шарафига «Меҳнат шуҳрати байроғи» кўтарилмоқда, уларга мукофотлар берилмоқда.

Шу билан бирга область партия комитети ва бир қанча район партия комитетларининг, кўпгина колхоз ва совхоз бошланғич партия ташкилотларининг чорвачиликка раҳбарлик соҳасидаги ишида камчиликлар бор. Сут чорвачилигини юксалтириш соҳасида кўрилаётган тадбирлар КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми талабларига тўла-тўкис жавоб бермайди. Ҳамон фойдаланилмаётган резервлар бор. Бир қанча районлар, кўпгина колхоз ва совхозлар сут етиштиришни янада тезроқ кўпайтириш юзасидан ўзлари ишлаб чиққан тадбирларни бажаришмаяпти, урғочи қорамолларнинг кўплаб ғўштга топширилишига йўл қўйишяпти, сигирлар туёғи суст кўпаймоқда, уларнинг анча қисми қисир қолмоқда, сигирларнинг ва ики ёшдан ортган ғунажинларнинг чорак қисми қочирилмай, улардан бузоқ олинмай қолмоқда. 38 колхоз ва совхозда ҳар бош сигирдан атиги 2000 — 2500 килограмм сут соғиб олинмоқда. Кўпгина фермаларда ишлаб чиқариш маданияти паст, санитария-гигиена талабларига риоя қилинмаётир. II ва III сорт сутнинг салмоғи 15 процентга бормоқда. Оққўрғон ва Оҳангарон районларида эса сутнинг атиги 59—64 проценти биринчи сортга топширилмоқда. Айрим сут комплексларида сигирлар туёғи етарли эмас. Ем-хашак, айниқса концентрат ем етиштириш соҳасида эришилган даража сут чорвачилигини янада жадал ривожлантириш вазифаларига жавоб бермайди.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси чорвачиликни ривожлантиришда область хўжаликларига етарли ёрдам бермаяпти.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳисоблайдики, область хўжаликларида сут чорвачилигини ривожлантириш юзасидан Тошкент область партия комитети ишлаб чиққан тадбирлар, 1978—1980 йилларда сут етиштиришни анча кўпайтиришга аҳд қилинганлиги — КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларига ва Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги докладида ўртага қўйилган вазифаларга амалий ишлар билан берилган муносиб жавобдир.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкент область партия комитетининг область колхоз ва совхозларида 1978—1980 йилларда сут етиштиришни кўпайтириш ва сут чорвачилигининг самарадорлигини ошириш тадбирларини маъқуллади.

(Давоми иккинчи бетда).

Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Корея Халқ Демократик Республикасининг Президенти ўртоқ Ким Ир Сенга Корея Халқ Демократик Республикаси Маъмурий Кенгашининг Бош министри ўртоқ Ли ден Окка

Корея озод қилинганлигининг 33 йиллиги муносабати билан сизларни, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетини, КХДР Марказий Халқ Комитетини, КХДР Маъмурий Кенгашини ва барча корейс меҳнаткашларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва бутун совет халқи номидан астойдил табриклаймиз.

1945 йил 15 август куни халқларимиз, уларнинг қардошларча дўстлиги тарихига мустаҳкам ёзилиб қолди. Ўша унутилмас кунда Совет Армияси Япониянинг Кореядаги агрессив кучларини батамом тор-мор этди ва шу тариқа ўз миллий озодлиги учун фидокорона курашиб келган корейс халқининг озодлик ва мустақилликка эришувига ёрдам берди.

1945 йилнинг тарихий воқеалари корейс халқи олдида эксплуатация ва зулмнинг ҳамма формаларидан озод бўлган янги турмуш қуриш истиқболларини очди. Озодликка эришгандан кейин ўтган давр мобайнида мамлакат шимолида Корея Меҳнат партияси раҳбарлигида амалга оширилган катта-катта социал-иқтисодий ўзгартишлар меҳнатсевар корейс халқининг ижодий ғайрати учун, экономикани, маданиятни, халқ фаровонлигини юксалтириш учун кенг истиқбол очди.

Совет халқи корейс халқининг Жанубий Кореядаги Америка қўшинларини ҳеч кечиктирмай батамом чиқартириб юбориш ҳамда мамлакатни тинч демократик бирлаштириш учун қулай шарт-шароит яратиш йўлида олиб бораётган курашига чуқур интернационал бирдамлик туйғуси билан қарайди. Биз корейс халқининг ўз миллати тақдирини ташқи кучларнинг аралашувисиз мустақил ҳал этишдан иборат қонуний ҳуқуқини доимо қўллаб-қувватлаймиз.

Партияларимиз, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари социализм, Узоқ Шарқда тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида янада ривожланаверади, деб ишонч изҳор этамиз.

Марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосланган Совет — Корея дўстлиги ва ҳамкорлиги мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!

Л. БРЕЖНЕВ. А. КОСИГИН.

«САЛЮТ-6» — «СОЮЗ-29» — «ПРОГРЕСС-3»: ЭКСПЕРИМЕНТЛАР ТУРКУМИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 14 август (ТАСС). Космонавтлар Владимир Ковалёнок ва Александр Иванченковлар «Салют-6» — «Союз-29» — «Прогресс-3» орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичидаги мўлжалланган тадқиқотлар ва экспериментлар программасини бажаришни давом эттирмоқдалар. Бугун комплекс экипажи «Қотишма» ва «Кристалл» установкаларидаги технологик экспериментларни давом эттирдилар.

ИРҚЧИЛИККА ВА ИРҚИЙ КАМСИТИШГА ҚАРШИ КУРАШГА БАҒИШЛАНГАН ЖАҲОН КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

ЖЕНЕВА

СССР Олий Совети Президиуми, совет халқи ва шахсан ўз номимдан ирқчиликка ва ирқий камситишга қарши курашга бағишланган жаҳон конференцияси иштирокини таҳсинлаймиз.

Конференциянгиз олдида турган вазифаларни совет кишилари қадрлайдилар ва яхши тушунадилар. Совет давлати дунёга келганидан кейин орадан роппа-роса бир ҳафта ўтгач «Россия халқларининг ҳуқуқлари декларацияси» деб аталган тарихий ҳужжатда Совет ҳокимияти миллий сиёсатининг негизлари: Россия халқларининг тенглиги ва суверенлиги, ҳамма ва ҳар қандай ирқий, миллий ва миллий-диний имтиёзлар ҳамда чеклашларнинг бекор этилиши, барча кичик миллатларнинг эркин ривожланишидан иборат эканлиги ёзиб қўйилди.

Совет Иттифоқида миллий масала тўла-тўкис ҳал этилган. Қайси миллат ва ирқ қа мансублигидан қатъи назар гражданларнинг қонун олдидаги тенглиги Конституцияда эълон қилиниб ва мустаҳкамланибгина қолмай, шу билан бирга социалистик жамият турмушининг бутун тузуми билан, социализмнинг сиёсий ва иқтисодий системаси билан кун сайин тасдиқланмоқда ва гарантияланмоқда.

Совет давлатининг миллий масаладаги сиёсати ўзгармас ва изчил сиёсатдир. 1977 йилда қабул этилган янги Совет Конституцияси халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш принциплари билан бирга халқларнинг миллий озодлик ва социал тараққиёт йўлидаги курашини қўллаб-қувватлашни мустаҳкамлаб берди.

Совет халқи барча халқларнинг тенглиги учун, ирқий ва миллий камситишга қарши кураш олиб бораётган, мустамлакачилик ва ирқчилик сарқитларининг сақланиб қолишига қарши курашаётган кучлар тарафида қатъият билан ҳаракат қилмоқда. У Родезиядаги ирқчи режимнинг тугатилиши ва бутун ҳокимиятнинг Зимбабве халқига топширилиши учун, Жанубий Африка Республикасининг Намибиядан батамом чиқиб кетиши учун, Жанубий Африка Республикасидаги апартеид системасининг тугатилиши учун муттасил курашмоқда.

Сизларнинг конференциянгиз халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун, мустамлакачилик ва ирқчиликни тўла-тўкис ва узил-кесил қўпориб ташлаш учун кураш вазиятида ўтмоқда. Ана шундай шароитда Африка жанубида ирқчи режимларнинг яшаб турганлиги ва инсониятга қарши жиноят қилаётганлиги айниқса тоқат қилиб бўлмайдиган бир ҳолдир. НАТОдаги бир гуруҳ мамлакатларнинг интервенциячилик ҳаракатлари натижасида Африка қитъасидаги кескинлик кучайганлиги тинчликсевар давлатларни ҳақли равишда ташвишлантирмоқда. Тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари ёш давлатларнинг ишларига империалистларнинг аралашувини дарҳол тўхтатишни, уларнинг эркин ва мустақил ривожланишдан иборат суверен ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини талаб этади.

Конференция қатнашчиларига мустамлакачиликка қарши, озодлик ва миллий мустақиллик учун, ирқчиликка, апартеидга, ирқий ва миллий камситишга қарши курашишдек одилона ишда муваффақият тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Боши биринчи бетда).

Сигирлар туёғини қўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва ўнинчи беш йиллик охирига бориб сут етиштиришни 225 минг тоннага етказиш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш Тошкент область партия комитети ва район партия комитетларининг асосий вазифаларидан бири эканлиги қайд этилди.

Область ва район партия комитетларига КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми томонидан ўртага қўйилган вазифаларга мувофиқ ферма меҳнатчилари ўртасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишни кучайтириш, сут етиштиришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ва чорвачилик рентабеллигини ошириш учун мавжуд резервлар ва имкониятлардан яқада тўла-тўкис фойдаланишга эришиш топширилди.

Чорвачиликни концентрациялаш ва ихтисослаштиришга доир барча зарур тадбирларнинг ўтказилиши таъминлансин, сут комплекслари ва фермаларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш тезлаштирилсин. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1977 йил VII пленуми қарорларига биноан хўжаликлараро кооперация ҳажмлари кенгайтирилсин.

Сут чорвачилигини янада ривожлантириш вазифаларига мувофиқ хашаки экинлар майдони кенгайтирилсин, уларнинг ҳосилдорлиги оширилсин, зич қилиб, аралаштириб ва такрорий экиш ҳисобига ем-хашак етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан максимал равишда фойдаланилсин, ем-хашакнинг сифати ва ундан фойдаланиш яхшилансин.

Кадрларни танлаш ва жойжойига қўйиш иши яхшилансин, улар коммунистлар, комсомоллар ва зооветеринария мутахассислари билан мустаҳкамлансин, уларнинг малакасини ошириш, чорвачилик ходимларига зарур маданий-маиший шароитлар яратиш тадбирлари кўрилсин.

Чорвачилик ва ем-хашак етиштириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларнинг бажарилиши учун хўжалик ва фермалар раҳбарининг интизоми мустаҳкамлансин ва масъулияти оширилсин.

Ўзбекистон ССР Госпланига, Қишлоқ хўжалиги министрлигига, «Узплодоовощвинпром» бирлашмасига Тошкент область хўжаликларида янги ерларни ўзлаштириш ҳамда шоли, полиз экинлари ва бошқа экинлар майдонини қисқартириш ҳисобига 1979 йилдан бошлаб хашаки экинлар майдонини чорвачиликнинг ем-хашакка бўлган эҳтиёжларини таъминлайдиган миқдоргача кенгайтириш имкониятларини кўриб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, «Узплодоовощвинпром» бирлашмасига областнинг 73 хўжалигидаги мавжуд сут-товар фермасини реконструкция қилиш ва кенгайтириш учун зарур маблағни ажратиб бериш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига, «Узколхозстрой»га Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига ва «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси билан биргаликда 1979 — 1980 йиллардаги пудрат ишлари планларида чорвачилик комплекслари ҳамда фермаларини қуриш ва реконструкция қилишни кўзда тутиш таклиф этилди.

«Хандам» каналидан сув чиқадиган зонада янги ташкил этилган совхозларда: Оҳангарон районининг Жуков номли, Будённий номли, Коммунистик районининг Охунбобоев номли ва У. Юсупов номли совхозларида 1979 — 1980 йилларда сут фермаларини ташкил этиш «Узплодоовощвинпром» г а топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига сут комплексларини зотдор моллар билан таъминлашда областга зарур ёрдам бериш топширилди.

Республика область ва район партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига мазкур тадбирларни батафсил муҳокама қилиш, 1978—1980 йилларда сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш, ташкилотчилик ва сиёсий ишни белгиланган тадбирларнинг сўзсиз бажарилишига қаратиш таклиф этилди.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига ферма маҳсулоти етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш учун ишлаб чиқилган тадбирларнинг ва чорвадорлар социалистик мусобақасининг боришини батафсил ёритиш топширилди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ VII ВА VIII ПЛЕНУМЛАРИНИНГ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА СУТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ВА СУТ ЧОРВАЧИЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Т А Д Б И Р Л А Р И

Тошкент область қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини бажара бориб, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг қарори туфайли юзага келган зўр сиёсий жўшқинлик вазиятида партиянинг аграр сиёсатини амалга ошириш, чорвачиликни юксалтириш ва интенсивлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормоқдалар.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, концентрациялаш ва хўжаликлараро кооперациялаш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш асосида сут чорвачилигини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга катта эътибор берилмоқда. Тошкент областининг чорвадорлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакат пахтакор республикалари партия-хўжалик активи йиғилишида берган йўл-йўриқларини бажара бориб, 1977 йилда 1970 йилга нисбатан давлатга гўшт сотишни 1,6 баравар, сут сотишни 1,8 баравар, тухум 2,9 ва жун сотишни 1,5 баравар кўпайтирдилар. Шу йиллар мобайнида қорамол туёғи 28 процент кўпайди, ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут ўрта ҳисобда 3110 килограммга, гўштга топириладиган ҳар бош қорамолнинг ўртача вазни 398 килограммга етди.

Область партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаб ва астойдил маъқуллаб, сут етиштиришни янада кўпайтиришни ва Тошкент шаҳри ҳамда областдаги бошқа саноат марказлари аҳолисини қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида мавжуд резервлардан фойдаланиш асосида, тобора ўсиб бораётган моддий-техника таъминотига ва мустаҳкамланиб бораётган ем-хашак базасига таяниб, 1980 йилда сут етиштиришни 225 минг тоннага етказишга ёки уни 1977 йилга нисбатан 1,7 баравар кўпайтиришга қарор бердилар.

1980 йилда область колхозлари ва давлат хўжаликларида сигирлар туёғи 70 минг бошга етади ёки уч йил мобайнида 40 процент кўпаяди.

Сут комплекслари ва фермаларни 1978-1980 йилларда ғунажинлар билан таъминлаш учун 51 минг бош урғочи бузоқ, шу жумладан ихтисослаштирилган фермаларда, насл олиш ва наслчилик хўжаликларида 33 минг бош, комплексларда ва товар фермаларида 18 минг бош урғочи бузоқ боқиб етиштириш мўлжалланди. Областда ғунажин етиштирадиган ихтисослаштирилган хўжаликлар ва фермалар 12 тадан 14 тага етказилади, уларда 10 минг ўрнига 24,3 минг бош мол боқиладиган бўлади. Корамоллардан насл оладиган ва наслчилик билан шуғулланадиган қўшимча 4 та хўжалик ташкил этишга, 1980 йилга бориб уларни 18 тага етказишга, улардан ҳар йили 4 минг бош зотли ғунажин етиштиришга қарор қилинди.

Ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сутни 1980 йилда 3350 килограммга етказиш белгиланди. Чорва молларнинг маҳсулдорлик сифатини янада ошириш мақсадида сигирларни сермаҳсул голштин-фриз зоти билан чатиштириш ва буқаларнинг зотдорлик сифатини текшириш методи кенг жорий этилади.

1980 йилда ҳар 100 бош сигир ва икки ёшдан ошган ғунажин ҳисобига 90 бош бузоқ олишга эришиш белгиланди. 1980 йилга бориб областнинг барча хўжаликлари сигирлар ва ғунажинларни «пайетлар» ёрдамида сунъий урчитишдан иборат янги илғор усулга кўчирилади. Барча фермаларда короводромлар (сигирлар яйратиладиган майдонлар) жиҳозлаш, сигир ва ғунажинларнинг бўғозлигини мунтазам равишда кузатиб туришга қарор қилинди.

Областда хўжаликлараро кооперация негизида сут чорвачилигини ихтисослаштириш, концентрациялашни чуқурлаштириш ишини давом эттириш белгиланди. Сут етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликлар ва аввало сут комплекслари бузоқ етиштиришдан халос қилинади ва бунинг ҳисобига сигирлар туёғи кескин кўпайтирилади.

1978-1980 йилларда 7400 сигир боқиладиган 14 та сут комплексини ишга туширишга, 32,4 минг мол боқиладиган 73 та хўжаликдаги мавжуд фермаларни реконструкция қилиш ва кенгайтириш кўзда тутилди. Янги ишга туширилган сут комплексларининг лойиҳа қувватларини 1978 йилда 75 процент, 1979 йилда 87 процент ва 1980 йилда 100 процент ўзлаштириш таъминланади.

1980 йилга бориб барча сут комплекслари ва фермалари «Госкомсельхозтехника» корхоналарининг тўла техникавий хизматидан фойдаланишга ўтказилади, механизмлар ёрдамида сут соғиш ва автомат усулда суғориш даражаси 100 процентга, молхоналарни тозалашни механизациялаш даражаси 95 процентга ва ем-хашак беришни механизациялаш даражаси 70 процентга етказилади. Шу асосда, шунингдек сут комплекслари ва фермаларида мол боқишнинг илғор технологиясини жорий этиш асосида уч йил мобайнида бир центнер сут етиштиришга бўладиган меҳнат сарфини 8,8 киши-соатдан 6 киши-соатга туширишга, сут етиштириш рентабеллигини 10 процент ошириш, давлатга биринчи сорт сут сотишни камида 95 процентга етказиш белгиланди.

Сут етиштиришни кўпайтиришга оид мазкур тадбирларни бажариш учун алмашлаб экишни жорий этиш ва тўла ўзлаштириш, дон ва хашаки экинлар майдонини кенгайтириш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш йўли билан ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаш белгиланди. 1978-1980 йилларда 1070 гектар янги ер ўзлаштирилади, хашаки экинларнинг барча суғориладиган майдони 68 минг гектарга етказилади. Ем-хашак тайёрлаш ва қайта ишлаш технологиясини янада такомиллаштириш, унинг сифатини ошириш гадбирлари кўрилади. 1980 йилда сенаж тайёрлаш 335 минг тоннага, витаминли ўт талқони тайёрлаш 28 минг тоннага етказилади. Хашаки экинларни такрор, аралаштириб ва оралатиб экиш усулларидан максимал равишда фойдаланилади, шундай экинлар майдони 8 минг гектарга етказилади, суғориладиган ҳар гектар ердан олинадиган озуқа бирлиги 7 тоннага, ялпи ем-хашак етиштириш 639 минг озуқа бирлигига етказилади ёки уч йил ичида 1,4 баравар кўпайтирилади. Ем-хашакдан фойдаланиш яхшиланади, 72 та озуқа цехи қурилади, шундан 25 таси 1978 йилда, 42 таси 1979 йилда барпо этилади, витаминли талқон тайёрлайдиган 28 та агрегат ўрнатилади.

Чорвачиликни бошқариш маданиятини ошириш, машиналардан ва чорвачилик асбоб-ускуналаридан фойдаланишни яхшилаш, мол боқиш технологиясини такомиллаштириш мақсадида комплекслар ва фермалар учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида катта ишларни ўтказиш мўлжалланмоқда. Курсларда, ҳунар-техника билим юртларида ва илғор тажриба мактабларида 8,4 минг кишига сут чорвачилигидаги оммавий касбларни ўргатиш белгиланди, шу жумладан 1978 йилда 2,5 минг, 1979 йилда 2,8 минг ва 1980 йилда 3,1 минг кишига ана шундай касблар ўргатилади.

Ишлаб чиқилган тадбирларнинг амалга оширилиши сут етиштиришни кескин кўпайтириш ҳамда областдаги шаҳарлар ва саноат марказлари аҳолисини қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш имконини береди.

Суратда: Тошкент тепловоз депосининг машинисти Б. Зайцев ва машинист ёрдамчиси Н. Аҳмедов навбатдаги рейсга чиқиш олдида. Илғор машинистлар беш йиллиннинг уч йили топширигини СССР Конституциясининг бир йиллиги нунигача бажариш мажбуриятини олишган.

И. Глауберзон фотоси.

СССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИДА

1978 йил 5 сентябрдан 12 сентябргача бўлган давр мобайнида Кутаиси, Ботуми, Кировобод районида қўшин ҳар хил турларининг биргаликдаги ҳаракатини такомиллаштириш мақсадида Закавказье ҳарбий округи қўшинларининг машқларини ўтказиш планлаштирилади.

Машқларга ҳарбий ҳаво кучлари қисмлари ва бўлинмалари билан биргаликда қуруқликдаги қўшинлар иштирок этади.

Машқларда қатнашувчи қўшинларнинг мўлжалланган сони қарийб 25 минг кишидан иборат бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. Ҳ. ҲАМИДОВга «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЭНЕРГЕТИК» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил, самарали ишлаганлиги, республикада энергетика ва электрлаштиришни ривожлантиришда актив қатнашганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри Азиз Ҳакимович Ҳамидовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган энергетик» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1978 йил, 14 август.
Тошкент шаҳри.

БОЛГАРИЯ — ЎЗБЕКИСТОН

ҚАРДОШЛИК РАМЗИ

Ҳадемай, Ленин орденли областимиз ва Болгария Халқ Республикасининг Хасково округи меҳнаткашлари ўртасида узвий дўстлик алоқалари ўрнатилганига ўн олти йил тўлади. Бизнинг ҳар томонлама алоқаларимиз йилдан-йилга тобора ривожланиб, совет ва болгар халқлари дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ана шу қардошларча дўстликнинг ёркин саҳифаларидан бири—икки қардош мамлакат кончиларининг меҳнат беллашувидир. Мен ҳам унда иштирок этиб, Болгариядаги «Марбасс» комбинати проходкачи ёшлар бригадаси бошлиғи, БХР Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ради Станчев билан мусобақалашиб келмоқдаман.

Мусобақа бизга фидокорона меҳнат қилиш, ўз ишимизга ижодий ёндашиш, кўпгина илғор тажрибаларни қўллаш имкониятини бермоқда, Натижада бригадамиз смена топшириқларини доим ошириб ado этаётир. Яқинда экипажимиз беш йиллик учинчи йили учун зиммасига олган социалистик мажбуриятини шараф билан уддалади. Ради Станчевнинг ёзишича, қардошларимизнинг ҳам ишлари дуруст кетяпти.

Ҳ. АЛИҚУЛОВ,
«Ангрен» кўмир разрези экскаватор экипажи бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

Календарда 1981 йил

77-автобазанинг Дамин Маматқулов бошлиқ шофёрлар бригадаси коллективи ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида қўлга киритган ютуқлари ва ўз зиммаларига қабул қилган социалистик мажбуриятларини ошириб бажарганлиги учун иккинчи марта Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг «Энг яхши бригада» унвони, Фахрий ёрлиғи ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди.

Бригада шофёрлари йил бошида зарбдор йил планини СССР Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллигигача бажаришга астойдил бел боғлашган эди. Яқинда улар уч йиллик планнинг ортиғи билан адо этилганлиги тўғрисида рапорт беришди. Пландаги 753 минг тонна ўрнига 773 минг тонна халқ хўжалиги юклари ташилди. Шофёрлар ҳозир 1979 йил февраль ойи ҳисобига иш бажара бошладилар. Бу муваффақиятда бригаданинг Чори Қурбонов, Сарибой Азизов, Абрахмат Олланазаров сингари шофёрлари алоҳида намуна кўрсатишди. Улар ҳар куни 40-45 тонна юк ташиб, келгуси йилнинг март-май ойлари учун иш бажаришяпти.

Бригадирнинг ўзи ўнлар ташаббусига қўшилиб ишлаб, ўнинчи беш йиллик шахсий планини 2,5 йил ичида бажарди.

А. ҲАМРОЕВ,
Сурхондарё области.

ДАЛА ШИЙПОНИ — ИККИНЧИ УЙ

Меҳнат—роҳат

Янги ташкил этилган Олтинкўл районидаги Свердлов номли колхознинг барча бригадалари замонавий дала шийпонларига эга. Айниқса, Ғ. Маҳкамов, Ғ. Йўлдошев, М. Латипов, И. Сиддиқовлар етакчилик қилаётган бригадаларнинг дала шийпонлари колхозчиларнинг иккинчи уйига айланган.

Бу ерда колхозчиларга ҳамма қулайликлар яратиб берилган. Дам олиш хонаси алоҳида дид билан безатилган. Колхозчилар бу хонада телевизор кўришлари, радио тинглашлари, шахмат-шашка ўйнашлари, газета-журналларнинг янги сонларини ўқиб, ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Қиздар, болалар ва оналар хоналари ҳам яхши жиҳозланган. Шунингдек, дала шийпонларида кўчма кутубхона, кўчма аптечка, савдо шохобчалари мавжуд.

Бу қулайликлар колхозчиларнинг ғайратига-ғайрат қўшаётир. Хўжалик меҳнат аҳли бу йил 1583 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтаришга бел боғлаганлар. Ҳозирги кунда амалга оширилаётган ишлар ана шу юксак мажбурият асосида ташкил этилган.

Т. АБДУРАҲМОНОВ.
Андижон области.

ҲАММА НАРСА ИНСОН УЧУН!

Шифобахш қўллар

Мени шифохонага олиб боришганида гўё ўзимни ҳаёт билан хайрлашаётгандай ҳис этардим. Яхшиям, бахтимга қўли енгил саломатлик посбонлари бор экан. Кўп йилдан буён ошқозонричак касаллиги билан оғриб келардим.

Наманган шаҳар ички ишлар бўлимига қарашли шифохона бош врачи Т. Отамирзаевга ва медицина ҳамширалари М. Ҳасанова, Т. Камолова, Н. Усмоноваларга минг раҳмат. Уларнинг шифобахш қўллари менга иккинчи ҳаёт ато этди.

Жонажон партия ва ҳукуматимиз «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» — шиорини илгари суриб, буюк инсонпарварлик намуналарини кўрсатмоқда. Бунинг учун қўлимизни кўксимизга қўйиб, таъзим қиламиз.

А. ХОЛМИРЗАЕВ,
Наманган шаҳри, милиция сержанти.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

КАРШИ ЧЎЛИ РЕЗЕРВЛАРИ

Р. ҒОЙИБОВ,
Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область комитетининг биринчи секретари

Область партия ташкилоти ишига КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми талаблари асосида баҳо бера туриб, биз бугунги кунда нималар қилинганлиги ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва қишлоқни социал ривожлантириш борасида яна кўплаб ишларни амалга ошириш кераклигини равшанроқ кўриб турибмиз. Янги вазифалар янги кучларни талаб қилади. Қишлоқ меҳнаткашлари, областнинг барча коммунистлари буни яхши билишади ва қишлоқ хўжалигининг янги равнақини белгилаб берган Пленум программасини муваффақиятли амалга оширишга астойдил бел боғлаганлар.

Кейинги йилларда областимиз колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришда сезиларли натижаларни қўлга киритди. КПСС Марказий Комитетининг март (1965 й.) Пленумидан сўнг ялпи пахта ҳосили 2,4 баравар, дон — 3,7, сабзавот — 6, чорва маҳсулотлари етиштириш — 2,5 баравар ўсди Шуниси диққатга сазоворки, ўнинчи беш йиллликнинг дастлабки йилларида область хўжаликларида дала ва ферма ходимлари етиштирган ўртача йиллик ялпи маҳсулот 1975 йилдагига нисбатан тахминан 25 процент кўпайди.

Қашқадарё области қишлоқ меҳнатчилари қўлга киритган ютуқлар партия ва давлатнинг суғориладиган деҳқончиликни интенсивлаш ҳақида доимий ғамхўрлиги туфайли рўёбга келди. Кейинги йилларда обикор ерларни сув билан таъминлаш яхшиланди, минерал ўғитлар етказиш кўпайди, колхоз ва совхозларнинг машина-трактор парклари қуввати ошди.

Қишлоқда иқтисодий тараққиёт етук социал ўзгаришларга олиб келди. Ҳамма жойда қишлоқ ва посёлкаларни қайта қуриш, газ ва водопровод трубалари ётказиш давом эттирилмоқда, аҳолига маданий ҳамда маиший хизмат кўрсатиш яхшиланаётир.

Сўнгги йилларда бизнинг областимизни кўпроқ қўриқ область, деб тилга олишяпти. Бунинг боиси бор, албатта. Бугунги кунда Қарши чўли ва бошқа массивларни ўзлаштириш жадал суръатлар билан олиб борилаётир. Ирригациялаш ва мелиорациянинг узоқ вақтга мўлжалланган комплекс программасини амалга ошириш область партия ташкилотининг кундалик назоратида бўлаётир. Янги ерларни ўзлаштириш масалалари ва шу муносабат билан капитал маблағлар самарадорлигини ошириш, чўлқуварларга маиший ва маданий хизматни яхшилаш, қўриқда партия ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш обком ва райкомларнинг пленумлари, бюролари кун тартибидан тушмаяпти. Партия ташкилотларининг асосий эътибори қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун зарурий шароитлар яратиш, сарфланган ҳар бир сўм ҳар гектар суғориладиган экинзор самарасини оширишга қаратилган.

Партия ва хўжалик ташкилотларининг қизғин ишлаши, Иттифоқ ва республика органларининг қўллаб-қувватлаши область сув хўжаликларини тезкор суръатлар билан қайта қуроллантиришни таъминлади. Кейинги йилларда Пачкамар, Ланғар, Қорабоғ сув омборлари ва ўнлаб сел омборлар ишга туширилди. Қисқа муддатда — уч йил ўрнига атиги бир ярим йил мобайнида — «Москва» канали ўзани барпо этилди, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли, Сандал ва Чап қиркоқ каналлари қурилди, 1250 артезиан қудуқ қазилди, юзлаб километр суғориш системаси бетонлаштирилди. Буларнинг ҳаммаси 287 минг гектар суғориладиган ерни сув билан таъминлашни яхшилаш имконини берди.

Областдаги ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш миллионлаб гектар ҳосилдор ерларга эга бўлган Қарши чўлини суғориш билан боғлиқдир. Келажакда бу ерда йилига 1,5 миллион тонна пахта етиштириш мумкин, энг муҳими бу қимматли ингичка толали пахта бўлади, бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам етиштирилади. Қўриқни ўзлаштириш йилларида Қарши кенгликларида 105 минг гектар суғориладиган экинзор қишлоқ хўжалик оборотига киритилди, 21 совхоз тузилди, 3 та маъмурий район ташкил этилди, Толимаржон, Дўстлик, Нишон шаҳарлари пайдо бўлди.

Қўриқ ерни ўзлаштириб, янги совхозлар барпо этаётган «Каршистрой» коллективида 52 минг нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Бошқарма ихтиёрига йирик ихтисослаштирилган механизациялашган кўчма колонналар, транспорт корхоналари, ривожланиб бораётган қурилиш индустрияси қарайди. Бу йил уйсозлик комбинатининг иккинчи навбати маҳсулот бера бошлайди. «Каршистрой»нинг барча қурилиш базалари қуввати йилига 30-35 минг гектар қўриқни комплекс ўзлаштириш ва беш-олти совхоз тузишга мўлжалланган.

Қўриқ ерда Амударё оқимини 132 метр баландликка кўтарадиган олтита қудратли насос станцияси қурилди, Қарши магистрал ва Ульянов каналлари, минглаб километр хўжаликлараро, ички хўжалик ва лоток шохобчалари барпо этилди. Толимаржон сув омбори бунёд этилмоқда. 400 миллион куб метр сувга эга бўлган сунъий денгизнинг биринчи навбати эксплуатацияга топрилди. Буларнинг ҳаммаси пахтачиликни ривожлантириш учун шароит яратди. Каршилик пахтакорлар мамлакатга қарийб ярим миллион тонна пахта топшириб қўйдилар. Беш йиллиннинг учинчи йилида чўлқуварларимиз 185 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга — область деҳқонлари етиштирадиган пахтанинг учдан бир қисмини етказиб беришга аҳд қилишди.

Область партия ташкилоти чўлни чекинтираётган янги совхозларга тажрибали кадрлар, сув ва қишлоқ хўжалигининг ишбилармон мутахассисларини юборди. Улар ишлаб чиқаришнинг масъулиятли участкаларига бошчилик қилишди. «Каршистрой» партия комитети 1500 коммунистни бирлаштиради, 90 бошланғич партия ташкилоти фаолиятига бошчилик қилади. Коммунистларнинг кўпчилиги бевосита ишлаб чиқариш билан машғул, улар фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатишяпти. Коллективларда мусобақа пешқадамлари—СССР Олий Совети депутати, Давлат мукофоти лауреати бульдозерчи Аъзам Азимхонов, бригадир Юрий Цвеков, пардозловчи Валентина Зайцева, экскаваторчи Вадим Ким, автомашина ҳайдовчилари бригадири Вениамин Бабийчук ва кўплаб бошқа кишилар ҳақли равишда ҳурматга сазовордирлар.

Область партия ташкилоти бугунги кунда ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири қўриқда кадрларни мустаҳкамлашдир, деб билмоқда, бунинг учун эса ишлаб чиқариш ва социал масалаларни комплекс ҳал этишга эришилмоқда. Қарши чўлида қарийб миллион квадрат метр турар-жой, 13 минг ўринли мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, юзлаб маиший ва маданий хизмат кўрсатиш ташкилотлари фойдаланишга топширилган.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми давлатнинг қишлоқ хўжалигига ажратаётган маблағидан самаралироқ фойдаланиш зарурлигини алоҳида ўқтирди. Қилинган ишга танқидий нуқтаи назардан баҳо берганда, шуни айтиш керакки, ҳали Қарши чўлининг ҳамма ўзлаштирилган ерлари ҳам керакли самарани бераётгани йўқ. Қатор хўжаликлар паст ҳосил олишяпти, пахтанинг ингичка толали навини кўпроқ ўстириш масаласи суст ҳал қилинаётир. Бу маълум миқдорда ипак пахтани териш учун ихтисослаштирилган техниканинг етишмаслиги билан изоҳланади. Қўл терими катта миқдорда маҳсулий ишчиларни талаб қилади, қўриқда эса бундай резерв йўқлиги ойдек равшан. Юксак механизациялашган хўжаликлар қурилиш шароитида бу муаммони ҳал этиб бўлмайди. Демак, ягона йўл — ингичка толали пахтани йиғиштириб олиш учун мўлжалланган техникани қўллаб чиқаришни тезлатишдир. Бу йўналиш бўйича баъзи ишлар қилинди, «Ташсельмаш» заводи ана шундай техникани чиқара бошлади. Корхона коммунистлари, бутун коллектив КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг пахта етиштириш, айниқса, ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги талабларини ёдда тутиб пахтакорларга керакли миқдорда машиналар етказиб бериш учун резервларни излаб топмоқдалар.

Область партия ташкилоти коллектор-дренаж шохобчалари қурилиши суръати ва ҳажми ҳақида жиддий бош қотирмоқда. Яқинда ўзлаштирилган айрим далаларда сизот сувларининг кўтарилиш ҳоллари ишни анча мушкуллаштиради ва гарантияланган мелиорация тизими бўйича зарурий чоралар кўришни тақозо этади. Бунинг учун эса ўзлаштирувчиларни етарли миқдорда ер қазиш машиналари билан тезроқ таъминлаш даркор.

Яна бир ҳал этилмаган муаммо ҳам бор. Гап шундаки, янги ерларни ўзлаштириш суръатлари қозирча турар жой, маиший ва маданий хизмат кўрсатиш муассасалари қурилишининг боришидан олдинда кетяпти. Холбуки, Қарши чўли ўн йил муддадам ҳувиллаб ётган эди, бугунга келиб юз мингдан зиёд киши яшамоқда, бунинг устига малакали кадрларга бўлган эҳтиёж тинмай ошаётир. Демак, уйжой, мактаб, болалар боғчаси, савдо марказлари, клублар, шифохоналар қуриш суръатини кучайтириш зарурий юмуш ҳисобланиб қолади.

Қарши чўлининг яқин истиқболини ҳисобга олиб 550 минг гектар майдонни ўзлаштиришнинг иккинчи навбати комплекс лойиҳасини тузишни тезлаштиришимиз, яна бир йирик магистрал канал қуришимиз, шу билан бир вақтда насос станциялари каскади, бошқа ишлаб чиқариш объектлари ва янги аҳоли пунктлари барпо этишимиз керак. Чўлқуварлар Иттифоқ Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Иттифоқдаги планлаштирувчи ва таъминловчи органлар бизнинг таклифларимизга етарли эътибор берадилар, керакли ёрдам кўрсатадилар, деб ҳисоблайдилар.

Бутун республика партия ташкилоти каби Қашқадарё область партия ташкилоти ҳам кейинги йиллар давомида яна бир муҳим вазифа — жойларнинг ўзида етиштириш ҳисобига аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан кўпроқ таъминлаш вазифасини ҳал этиш билан шуғулланмоқда. Шу мақсадларда 17 та йирик чорвачилик комплекси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 16 та ихтисослаштирилган хўжаликда қўй ва эчкиларни боқиш марказлаштирилди. Бир қанча паррандачилик фабрикаси, паррандачилик совхозлари, 62 та типовой механизациялашган паррандахона ишлаб турибди. Ҳозир область партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини бажара бориб, жамоат чорвачилигининг барча тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чоралар кўряпти.

Область ва район партия комитетлари ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкасига партиявий таъсир этишни кучайтириш мақсадида бошланғич партия ташкилотларининг структурасини, коммунистларни жой-жойига қўйишни муттасил такомиллаштирмоқда. Бугунги кунда областимизда ҳар саккиз механизаторнинг бири коммунистдир.

Область партия комитети СССР янги Конституциясининг бир йиллигини меҳнатда муваффақиятлар билан нишонлашга ахд қилган қишлоқ хўжалик илғорлари ташаббусини қўллаб-қувватлади. Область давлатга дон, пилла сотиш йиллик план ва мажбуриятларини, гўшт, тухум сотиш бўйича ярим йиллик планларини муддатидан илгари бажарди. Сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юқори суръатда боряпти.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларидан илҳомланган Қашқадарё области қишлоқ меҳнаткашлари 5 миллион 700 минг тонналикЗ Ўзбекистон пахтасига салмоқли улуш қўшиш — бу йил давлатга 480 минг тонна «оқ олтин» сотиш, беш йиллик охиригача пахта етиштиришни 700 минг тоннага, дон етиштиришни 600 минг тоннага ўн биринчи беш йилликкда эса 1 миллион тоннага етказиш мажбуриятини олдилар. Бир вақтнинг ўзида чорвачиликни ривожлантириш ҳам таъминланади. Область қишлоқ меҳнаткашлари Коммунистик партиянинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш тўғрисидаги даъватига шундай амалий иш билан жавоб берадилар.

(«Сельская жизнь»нинг 12 август сонидан).



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Пискент районидаги «Гулистон» колхози азаматлари 136 гектар ерга дон учун маккажўхори экишган эди. Далаларда мўл ҳосил етиштиришди. Тўртта «Херсонец» комбайни билан кунига 12-13 гектар ердаги маккажўхори ўриб-йиғиб олинмоқда. Хўжалик меҳнатсеварлари пландаги 80 центнер ўрнига 100 центнердан маккажўхори дони топширишга аҳд қилганлар. Суратларда: чапда — илғор комбайнчи Исмоил Шокиров. Унгда — колхоз далаларида маккажўхори ҳосилини йиғиштириб олиш пайти.

Ж. Тўраев фотолари.

Сўз-тажрибакор деҳқонларга

МАЖБУРИЯТГА ЯРАША ҲОСИЛ ТЎПЛАЙМИЗ

Барча совет халқи каби колхозимиз меҳнат аҳли ҳам КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида» Пленумда қилган сермазмун докладини зўр қизиқиш билан ўрганишяпти, унда баён этилган фикрларни чин юракдан маъқуллашяпти. Ленин партияси совет халкининг катта ютуқларига таяниб, мамлакат олдига янги улкан вазифаларни қўйди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда бундай деди: «Биз қишлоқ хўжалиги олдига унинг барча тармоқларини ҳар томонлама динамик ривожлантириб, мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан ишончли таъминлашга эришиш асосий вазифасини қўймоқдамиз. Токи уларни етиштиришнинг ўсиши халқнинг турмуш даражасини бундан кейин анча оширишни таъминлай оладиган бўлсин. Шу билан бир вақтда биз шаҳар билан қишлоқнинг моддий ва маданий-маиший турмуш шароитини яқинлаштириш вазифасини ҳал этиш учун кўпроқ куч-ғайрат сарфлашимиз лозим».

Биз учун бундан муҳим вазифа йўқ. Чунки, ўртоқ Л. И. Брежнев қишлоқ меҳнаткашларининг дилидаги гапларни ўртага ташлади, пахтачилик, чорвачилик, галлачилик, сабзавотчилик ва боғдорчиликни комплекс ривожлантириш зарурлигини уқтирди. Биз Пленум қўйган вазифаларни ўзимиз учун жанговар программа деб биламиз. Колхозимиз аъзолари Пленум ҳужжатларини муҳокама қилиш вақтида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш бўйича конкрет таклифларни илгари сурдилар. Колхоз правлениеси ва партия комитети мутахассислари, барча колхозчиларнинг фаол иштирокида ана шу таклифларни умумлаштириб, кўп ва сифатли пахта етиштириш тадбирларини ишлаб чиқдилар.

Пахтакорларимиз ўнинчи беш йилликнинг ўтган икки йилида ҳосилдорликни сезиларли даражада оширишга эришдилар. Икки йилда колхоз давлат омборига салкам 11 минг тонна пахта тўқди. Бу планда кўзда тутилганига нисбатан 1350 тонна кўп. Чорвачиликни ҳам ижобий силжишлар рўй берди. У фойда келтиридган тармоққа айланди. Пахта, пилла, гўшт, сут, тухум ва донинг кўпайтирилиши хўжалигимизга катта даромад олиш имконини туғдирди. Ўтган йили пул даромади 3,6 миллион сўмни ташкил этди. Олинган соф фойда 700 минг сўмдан ортди. Колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш бирмунча ошди.

Колхозимиз меҳнат аҳли 1590 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтаришга азму қарор қилди. Андижон областининг улкан хирмонига 6400 тонна юқори сифатли «оқ олтин» тўкамиз.

Мажбуриятимиз юксак. Уни бажариш осон эмаслигини яхши англаймиз. Шунинг учун колхозчиларимиз ҳар бир кунни зарбдор кун деб эълон қилдилар. Пленумда техника воситаларидан фойдаланишни яхшилаш, механизатор кадрлар тайёрлаш ва уларнинг маҳоратини оширишга алоҳида эътибор берилди. Биз бундан тегишли хулоса чиқариб олдик. Ўтган йили ялпи ҳосилнинг 70 процентини машиналар ёрдамида териб олган эдик. Бу йил 80 процентини машинада териб олмоқчимиз.

Колхозда 26 та терим агрегати бор. Яна 6 та янги машина сотиб олдик. Уларнинг ҳаммаси теримга шай қилиб қўйилди. Ҳар бир машинанинг иш унумини 150-200 тоннага етказамиз. Ҳозирги кунда хўжалигимизда 200 га яқин механизатор ишлаб турибди. Улар сафига янги кучлар қўшилаётгани қувонарлидир. 25 йигит-қиз қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумида, 6 қиз механизаторлар тайёрлаш курсида ўқияпти. Биз механизатор кадрларнинг малакасини оширишни биринчи ўринга қўймоқдамиз. Уларга иш шароити яратиб беряпмиз.

Жўрабой Алиев ўтган йили икки қаторли машинада 210 тоннага етказиб пахта терган эди. Бу йил тўрт қаторли машина бункеридан 400 тонна пахта тўкишга сўз берди. У ерни экишга тайёрлашда ибрат кўрсатиб ишлади. Мавсум бошидан буён 128 гектар майдондаги ғўза қатор ораларини юмшатди. Жумавой Олимов, Сойипжон Мирзаев, Омонбой Азимов ва бошқа механизаторлар ҳам ғўзага ишлов беришда фидокорлик кўрсатишяпти. Шонли механизаторларимизнинг кучи билан ҳозиргача ғўза қатор оралари беш марта юмшатилди, уч марта ўғит солинди. Минерал ўғит беришни тўхтатдик. Навбат — «шарбат» оқизишга! Ҳар бир пайкалнинг бошида «шарбат» ҳовузлари мавжуд. «Шарбат» оқизишни кўсаклар очилгунча давом эттиравермиз. Шунда пахтада 10-11 чигит бўлади.

Ғўзанинг ўсиши яхши, ҳосил тугунчалари кўпайиб, кўсаклар тўлишиб борянти. Ҳар туп ғўзада олти-еттита бўлиқ кўсак пайдо бўлди.

Деҳқончиликда энг нозик, долзарб, ҳал қилувчи кунлар бошланди. Асат кирди. Халқимиз орасида: «Асат — экинингни ясат», деган гап бор. Бу, бежиз айтилмаган. Ҳосилнинг тақдири шу ойда ҳал бўлади. Ғўза сувга қонмаса, қатор оралари вақтида юмшатиб, шамоллатиб турилмаса шона ва гулини ташлаб юборади. Бунга йўл қўймаслик учун ҳар куни, ҳар соатда дала кезяпмиз, ғўза ораляпмиз. Суғориш билан культивацияни бир-бирига боғлаб ўтказяпмиз. Сувчилар, механизаторларнинг масъулиятини оширяпмиз.

Колхозимизда юзга яқин сувчи экинни яшнатяпти. Кунларни тунларга улаб ишлаяпти. Биз Меҳмонбой Йўлдошев, Умарали Нишонов, Орифжон Мамасиддиқов, Шердамбой Аҳмедов каби сувчиларнинг ишидан хурсандмиз. Улар ўзларига биркитилган пайкаллардаги ғўзаларни оби-тобида суғориб, ҳосилга-ҳосил қўшмоқдалар.

Ўтган йили ялпи ҳосилнинг 85 процентини биринчи сортга сотган эдик. Бу йил юз процент ҳосили биринчи сортга топширишга сўз бергганмиз. Бу ҳам ғўза парваришининг энг яхши агротехника муддатларида ўтказилишига боғлиқдир. Пахта фронтининг ҳар бир жангчиси шу ҳақда ўйлаяпти. Эргашвой Турсунов, Шерали Икромов, Кароматхон Бекмирзаева, Абдурашид Сарбоев сингари тиниб-тинчимас бригада бошлиқлари соқчилардек хушёр бўлиб туришибди. Улар етакчилик қилаётган бригадаларнинг барчаду майдонлари июль Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг илҳомбахш докладини ўқигач, гектаридан қирқ беш центнердан хирмон кўтарамиз, дейишди. Ҳозир бутун коллективимиз ана шундай шиор остида меҳнат қилмоқда.

Далаларимизда бегона ўт йўқ. Ғўза ниҳоллари барқ уриб ўсмоқда. Каримжон Рўзиев бошчилигида тузилган сифат комиссияси ўз бурчини яхши ўтамоқда. Бажарилган ҳар бир иш шу комиссия назаридан ўтмоқда.

Август — ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ой. Шу ойда астойдил меҳнат қилинса, комплекс ғўза парваришида узилишга йўл қўйилмаса июнь ва июль ойидагига қараганда анча кўп ҳосил нишоналарини тўплаб олиш, уларни сақлаб қолиш, айниқса кўсакларнинг салмоғини ошириш мумкин. Августни ҳамма жойда зарбдор меҳнат ойига айлантирмоғимиз керак. Бу йилги шароитда бирор туп ғўза кам ҳосилли бўлиб қолмасин, кўсаклар ой охирига бориб ёппасига очилсин. Шуни кўзлаб иш тутмоғимиз лозим. Осмонўпар «оқ олтин» хирмони яратмоқ учун нималар қилиш зарур бўлса, колхозимиз меҳнаткашлари ҳаммасини бажонидил уддалайдилар, зарбдор йилни рекорд ҳосил йилига айлантирадилар.

Бегали ТОЖИБОЕВ,
Андижон область Олтинкўл районидаги Свердлов номли колхоз раиси.

ТАЖРИБА ВА ТАШАББУС

РЕЗЕРВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш маданиятини яхшилаш, совет кишиларининг талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун кураш кооператорларнинг шарафли бурчидир. Беруний шаҳар матлубот союзи савдо маданиятини юксалтириш, аҳолининг кенг истеъмол моллари талабларини тўла қондириш учун савдо тармоқлари ва умумий овқатланиш корхоналарини мунтазам кенгайтириб бормоқда. Ҳозир шаҳарда 150 ўринли ресторан, учта ошхона ишлаб турибди. Бундан ташқари пахта тозалаш заводи, ёғ заводи, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси, автобазалар ва қурилиш ташкилотлари ҳузурида ишчилар ошхоналари намунали ишламоқда.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатишда биз мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Айниқса, гўшт етказиб беришни кўпайтириш учун матлубот союзи имкониятларини ҳам ишга солаётирмиз. Ҳозир бўрдоқичилик базасида 236 бош қорамол, 48 та қўй боқилмоқда. Қорамолларнинг бир кеча-кундузда 600—700 грамм семириши таъминланаётир.

Шуниси характерлики, молларни бўрдоқига боқишда ошхоналар чиқиндиларидан кенг фойдаланяпти. Шу билан бирга матлубот жамиятига ажратиб берилган ерларда ем-хашак етиштирилмоқда. 60 гектар майдонга силосбоп маккажўхори олиш учун уруғ қадалган. 18 гектар майдондаги беда уч марта ўриб олинди, 7 гектар ерда эса судан ўти етиштирилмоқда.

Ем-хашак базаси бўрдоқичиликни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар очиб беради. Шуни ҳисобга олиб бўрдоқичилик хўжалигида қорамоллар сонини 500 бошга етказишни мўлжалламоқдамиз.

Матлубот жамиятининг йилига 25 минг жўжа чиқарадиган инкубатори бор. Ҳозиргача бу ерда 80 минг жўжа чиқарилди. Пархез гўшт етиштиришни кўпайтириш учун товуқлар сонини 6 мингтага етказишни мўлжаллаб турибмиз.

Биз гўшт етиштириш ревервларини тўла ишга солиш мақсадида озуқа базасини мустаҳкамлаш билан бирга 200 бошга мўлжалланган молхона ва товуқхона қурмоқдамиз. Озуқа цехи қуриш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Районимиз шароитида озуқа экинларидан мўл ҳосил етиштириш мумкин. Бироқ, биз матлуботчиларга қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш учун зарур бўлган техника етарли даражада ажратилмаяпти. Биз тегишли ташкилотлардан шу ҳақда ўйлаб кўришни илтимос қиламиз.

Ёзнинг иссиқ кунларида шаҳар аҳолисини сув, мороженое, морс, квас билан таъминлашни кескин яхшиламоқдамиз. Бунинг учун биз ота-боболаримиз тажрибасини қўллаб қишнинг қирчиллама кунларида 2 минг тоннадан ортиқ муз тайёрлаб қўйган эди. Ана шу муздан фойдаланиб шаҳарда 60 жойда чанқоқ босадиган ичимлик билан савдо қилувчи дўконлар ташкил этилди. Шаҳарликлар матлубот кооперацияси ходимларининг бу ташаббусини маъқуллаб минатдорчилик билдирмоқдалар. Матлуботчилар учун эса бу энг юксак мукофотдир.

Қ. РЕИМБОЕВ,
Беруний шаҳар матлубот жамияти правлениесининг раиси.

Оламда нима гап

БУГУН ҲИНДИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

ҚЎШНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ

1947 йилнинг 15 августида Деҳлидаги Қизил форт устида Ҳиндистоннинг уч рангдаги миллий байроғи ҳилпираб, бу қадимий мамлакат тарихида янги даврни бошлаб берди. Ўшандан буён ўтган 31 йил ичида Ҳиндистон экономика, фан ва техника соҳасида, кўп миллионли халқнинг маданиятини юксалтиришда катта ютуқларга эришди. Тинчлик ва кескинликни юмшатиш, халқларнинг қонуний ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ҳамда қўшилмаслик принципларини ҳимоя қилиш сиёсатини ўтказиб келаётгани туфайли Ҳиндистон халқаро майдонда ҳурмат эътибор қозонди.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон республикаси ўртасида қарор топган дўстона муносабатлар кенгайиб, ривожланиб бормоқда. 1971 йилнинг 9 августида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартнома бу йўлда муҳим босқич бўлди. Ҳар икки мамлакат ва уларнинг халқлари ўртасидаги алоқаларнинг янада ривожланишига хизмат қилмоқда. Икки қўшни мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ривожланишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг 1973 йилда Ҳиндистонга, Ҳиндистон бош министри Мораржи Десаннинг 1977 йилда СССРга қилган расмий визитлари катта роль ўйнади. Ҳар икки давлат бошлиқлари томонидан имзоланган Совет—Ҳиндистон қўшма Декларациясида таъкидланишича, Совет—Ҳиндистон дўстлиги давр синовидан ўтди ва тинчлик ишига хизмат қилаётир.

Ҳиндистоннинг мустақил тараққиёт йўлида ривожланиши йиллари халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланиши йиллари ҳамдир. Мамлакатимизнинг Ҳиндистон билан дўстлиги ва ҳамкорлигининг ривожланишига озод Совет республикалари буюк ҳамдўстлигининг тенг ҳуқуқли вакили Совет Ўзбекистони ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасида азалдан дўстлик алоқалари мавжуд бўлиб, у халқ афсоналарида ўз ифодасини топиб келарди. Лекин Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ҳозирги босқичда, ўзбек халқи СССР барча халқларининг қардошларча ёрдамида қолоқликни тугатиб, қудратли индустрияни вужудга келтирган, замонавий фан ва маданиятга эга бўлган бир шароитда янада ривожланди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонга дўст мамлакатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш ишига актив қўшилиш имконини берди. Ҳозирги кунда Ҳиндистон республикамизнинг 200 га яқин корхонасида тайёрланган 35 хилдан зиёд саноат маҳсулотларини сотиб олмоқда. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг мутахассислари Ҳиндистонда давлат фермалари ва тажриба станциялари тузишда фаол қатнашмоқдалар. Ўз навбатида Ҳиндистондан келаётган кофе, пойафзал, газмол, халқ усталари ишлаган буюмлар Ўзбекистонда кенг харид қилинмоқда.

Республикамиз жамоатчилиги билан Ҳиндистон халқлари ўртасидаги алоқалар йилдан-йилга ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Шу йилнинг декабрь ойида Совет—Ҳиндистон дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлими ташкил этилганига 20 йил тўлади. Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия раҳбарлик қилаётган бу бўлим ўз ишида 30 дан зиёд бошланғич ташкилотларга бирлашган кўп сонли активларга таянади. Улар орасида Тошкент тўқимачилик комбинати, «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси, Қўқон пайпоқ-тўқув комбинати, Тошкент областидаги Ленин номли колхоз, Самарқандаги «Ҳужум» пиллакашлик фабрикаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти, Тошкент Давлат университети ва бошқа ташкилотларнинг коллективлари бор.

Ўзбекистон жамоатчилиги Ҳиндистоннинг барча шонли саналарини ўз байрамлари сингари нишонламоқдалар. Ҳиндистон республикаси эълон қилинган кун, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган кун, мустақиллик куни, тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган кунлар тантанали ўтказилмоқда. Ҳар йили Совет—Ҳиндистон дўстлиги ойлиги ўтказиш анъана тусига кириб қолди. Ҳиндистон маданиятининг буюк арбоблари юбилейлари, жумладан, Мирза Ғолиб, Муҳаммад Иқбол, Амир Хисрав Деҳлавий юбилейлари Ўзбекистонда кенг нишонланди. Ҳинд-форс поэзиясининг атоқли классиги Бедилнинг шеърий китоби, шоир ва файласуф Иқболнинг шеърлар тўплами ўзбек тилига таржима қилинди. Шунингдек, бўлимимиз активистлари ҳинд шоирларининг Ленинга, Улуғ Октябрь социалистик революциясига, совет ва ҳинд халқлари дўстлигига бағишланган асарларидан ташкил топган тўпламни нашрга тайёрлашди. Ўзбек шоирларидан Зулфия, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин ва бошқалар ўз шеър ва достонларида Ҳиндистонни куйладилар.

Республикамизда ҳинд фильмларига қизиқиш катта. Ўзбекистонда бўлган Ҳожи Аҳмад Аббос, Раж Капур, Сунил Датт, Наргис, Бимал Рой Деви ва ҳинд маданиятининг бошқа кўргин арбоблари номларини бизда ҳурмат билан тилга олишади. Ўзбек томошабинларини Ҳиндистон санъати билан таништиришда Тошкентда ўтказилаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестиваллари айниқса катта роль ўйнамоқда.

Совет дўстлик жамиятлари союзи ва унинг республика бўлимлари таклифига мувофиқ ҳар йили Ўзбекистонга 20-25 делегация келиб кетади. Сўнгги йилларда Ҳиндистон—Совет дўстлиги жамиятининг бош секретари Литто Гхош, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси И. К. Гужрал, Бихар университетининг ректори Мандаль, СССРдаги Ҳиндистон элчихонасининг биринчи секретари Д. Картхиксан, Фан ва техника тарихи марказининг директори Раҳмон, таниқли тарихчи олим Нурул Ҳасан ва кўпгина бошқа машҳур кишилар республикамизнинг меҳмони бўлишди. Республика маориф министри С. Ш. Шермуҳамедов бошчилигидаги Ўзбекистон дўстлик жамияти делегацияси эса яқинда Ўзбекистон билан биродарлашган Панжоб штати ҳаёти билан танишиб қайтди. Ҳиндистонлик дўстларимиз республикамизда содир бўлаётган социалистик ўзгаришлар тажрибасига катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Бизнинг делегациямиз билан бўлган учрашувга минглаб кишиларнинг тўпланганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Ҳиндистонда Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган Ўзбекистон маданиятининг фестивали зўр муваффақият билан ўтди. Уни ташкил этиш ва ўтказишда Совет—Ҳиндистон дўстлиги жамиятининг Ўзбекистон бўлими фаол қатнашди. Ҳиндистонда бўлимимиз томонидан юборилаётган ҳар хил ахборотлар, таништирувчи материалларга қизиқиш жуда катта. Ўзбекистонда чиқарилаётган адабиёт ва вақтли матбуот нашрларини Ҳиндистондаги 600 дан зиёд ташкилот ва кишилар олиб туришибди. «Совет Ўзбекистони бугун» бюллетени, фотовиставкалар, халқ амалий санъати буюмлари, кинофильмлар ҳиндистонлик дўстларимизга айниқса манзур бўлмоқда.

Буларнинг ҳаммаси, бизнинг фикримизча, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Деҳлида ўтказилган митингда айтган фикрига ёрқин далилдир. «Доҳиймиз, Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин орзу-умидлари амалга ошмоқда,— деган эди у. — Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқларини чинакам дўстлик муносабатлари боғлаб турибди. Бу дўстлик эса Осиёда ва бутун дунёда борган сари муҳим сиёсий омилга айланмоқда. Ҳиндистон яқин дўстларимиз орасида бўлганлиги билан фахрланамиз».

Совет—Ҳиндистон ҳамкорлиги катта истиқболга эга. Унинг кенгайиши ва янада мустаҳкамланишига Совет Ўзбекистони ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ўзбекистон дўстлик жамияти ва унинг кўп сонли активлари республикамиз меҳнаткашларини ҳинд халқининг тарихи, маданияти ва ҳозирги ҳаёти билан таништиришда фаол қатнашмоқдалар.

Ҳинд халқи мустақил ҳаёт йўлининг 32-йилига қадам қўймоқда. Ана шу саналар нишонлай туриб, совет кишилари икки буюк давлатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиги бундан буён ҳам мустаҳкамланади ва ривожланаверади, деб ишонч билдирадилар.

И. ТЎХТАХЎЖАЕВА,
Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти Президиумининг раиси.

Ҳиндистон. Суратда: Мадрасдаги телемарказ.
ТАСС фотохроникаси.

ҲАММА МИЛЛАТЛАР ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ БЎЛИШИ УЧУН

КОБУЛ (ТАСС). 20 дан ортиқ ҳар хил миллатлар яшайдиган Афғонистонда миллий масалани ҳал этиш АДР ҳукуматининг асосий вазифаларидан биридир. Апрель революцияси ҳамма элатларнинг тенг ҳуқуқлилик принципини эълон қилди, ҳамма гражданларга меҳнат қилиш, билим олиш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қатнашиш ҳуқуқини берди.

Ҳозир раҳбарлик лавозимларига пуштунлар билан бирга ўзбеклар, тожиклар, ҳазорийлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам кўрсатилмоқда.

АДР Революцион Кенгашининг Афғонистон халқлари тилларида информация воситаларининг ишлаши тўғрисида қабул қилган декрети ҳамма элатлар тенг ҳуқуқлилик принципини амалга оширишда қўйилган муҳим қадам бўлди. Шу декретга мувофиқ радио ва телевидение министрлиги, шунингдек информация ва маданият министрлиги ўзбек, туркман, белужий ва нуристон тилларида мунтазам равишда эшитиришлар бера бошлади.

Халқ ҳокимияти мамлакатнинг ҳамма аҳолисига ўз миллий тилларида газеталар нашр этиш ва мактабларда болаларини ўқитишга имконият берди. Ўзбек ва туркман тилларида нашр этилаётган «Юлдуз» газетаси шуни тасдиқлайди. Афғонистон революцияси ва халқ демократик партиясининг фаолиятига бағишланган ҳужжатлар тўплами бир неча тилда ом. мавий тиражда нашр этилди. Ўзбек ва туркман тилларининг лугатларини тузиш ишлари олиб бориляпти. Ҳукумат республика маориф министрлиги ҳузурида ўзбек тили бўлимини очиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги муҳим воқеа бўлди.

Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси ва Бош министри Н. Тараки Кобул педагогика институтининг муаллимлари ҳузурида гапириб, ўз фаолиятимизда ҳамма элатлар тиллари, маданиятлари ва яхши анъаналарини ривожлантиришга катта аҳамият беряпмиз ва шиовард натижада миллий зулм ифодасининг ҳамма шаклларини йўқотамиз, деди.

ХАТАРЛИ НАЙРАНГ

Вашингтондан олинган хабарларга қараганда, АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси З. Бжезинский мухбирларга қуйидагиларни айтган: АҚШ ҳукумати, унинг айтишича, «конструктив таклифлар» тайёрламоқда. Бу таклифлар сентябрь ойининг бошида Миср президенти А. Садат, Исроил бош министри М. Бегин ва Ж. Картернинг Кемп-Дэвидда ўтказиладиган учрашув қатнашчиларига тақдим этилади. Хабардор Америка доираларида ана шу «конструктив таклифлар» орасида Миср билан Исроил ўртасидаги сепарат битим мўлжаллайдиган «гарантия» сифатида Америка қўшинлари қисмларини Яқин Шарқда жойлаштириш тўғрисидаги таклиф ҳам бор, деган фикр баён қилинмоқда.

Ҳозирги вақтда Америкада АҚШнинг Миср-Исроил музокаралари тўғрисида кўп гап сотилмоқда. АҚШнинг бу музокаралардаги «шерикчилиги»дан кузатилган мақсад ўз қўшинларини Яқин Шарқда жойлаштиришдан иборат. Вақолонки, Америка қўшинларининг Яқин Шарқда жойлаштирилиши жуда ҳам хатарли оқибатларга сабаб бўладиган ҳолатни вужудга келтиражаги ҳаммага аён бўлиши керак. Шу хилдаги ҳаракатлар вазиятни ғоят кескинлаштириб юборажагини тажриба кўрсатиб турибди. Америка қўролли кучларини Яқин Шарққа юбориш имконияти бор деб ўйловчи кишилар буни ҳисобга олаётганликлар, деган ҳақли савол туғилади.

Бундай режаларнинг бир томонлама муҳокама қилиниши АҚШ масалани сиёсий жиҳатдан кенг кўламда ҳал этиш принципларидан юз ўгириб, бунинг эвазига Америка ҳарбий кучларини Яқин Шарқда жойлаштиришга интилаётганлигини исбот этувчи яна бир далилдир. Аммо араб мамлакатлари, шунингдек социалистик давлатлар ўз чегаларига жуда яқин жойда қандай вазият таркиб топишига асло бефарқ қарай олмайдилар.

Америка матбуотининг хабарларидан маълум бўлишича, ана шу интервенция режаларини ҳақиқатан ҳам амалга ошириш ниятида бўлсалар, у ҳолда, мустақил араб давлатлари, Яқин Шарқ муаммосини сиёсий жиҳатдан кенг кўламда ҳал этишни ёқлаб чиқаётган барча мамлакатлар, шу жумладан Совет Иттифоқи бундай ниятларга қатъий зарба беражаги аёндир.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК БИТИМИ

БУДАПЕШТ. Венгриядаги «Эдьешольт иззо» корхонаси 1979-1980 йиллар мобайнида шишадан жами 10 миллион сўмлик ҳар хил буюмлар ишлаб чиқариш учун неракли машина-ускуналарни СССРга етказиб беради. Шу ҳақдаги битим Будапештда «Эдьешольт иззо» ва Бутуниттифоқ ташқи савдо бирлашмаси «Технопромимпорт» вакиллари томонидан имзоланди.

(ТАСС).

РЕАКЦИЯНИНГ ГУМАШТАЛАРИ

Бутун дунё Хитой раҳбарлари империализм ва ашаддий реакция кучлари билан, ер курраси ининг ҳамма жойларидаги халққа қарши режимлар билан апоқ-чапоқ бўлаётганликларининг ғувоҳи бўлиб турибди. ХХР ташқи ишлар министри Хуан Хуа Чили фашистлар ҳунтаси ташқи ишлар министри Э. Кубильосни Пекинга келишга таклиф қилганлиги бунинг энг яққол мисолидир. Чили Ташқи ишлар министрлигининг ахборотида айтилишича, октябрнинг иккинчи ярмида бўладиган бу визит «икки мамлакат ўртасидаги мавжуд жуда яхши муносабатларни намойиш қилиши» керак.

Аммо Чили бошлиқлари билан «дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари» шу қадар шармандали ва қабиҳки, ҳатто кўпгина буржуа ҳукуматлари Чили фашистлар режимидан нериоқ туришга ҳаракат қилмоқда ва у билан дипломатик муносабатларни узган. Пекин эса, аксинча, 1973 йилнинг 11 сентябрида фашистлар исёни ёрдами билан президент С. Альенденинг қонуний ҳукумати ағдарилиши билан ок фашистлар ҳунтасини танди.

Шундан бери Хитой раҳбарлари қўли минглаб бегуноҳ кишиларнинг қонига беланган ҳунта бошлиғи генерал Пиночетни сиёсий жиҳатдан доимо қўллаб-қувватлаб келмоқдалар. Савдо-сотиқ, маданий алоқалар ва бошқа алоқалар кенгайтирилмоқда. Чили молларининг Хитойга қилинган импорт ҳажми 1974 йилдаёқ 117 миллион долларга етди. 1976-1977 йилларда Пекин фашистлар ҳунтасига ғоятда имтиёзли шартлар билан 200 миллион доллардан ошиқ қарз берди.

Маочи раҳбарлар жаҳонинг бошқа районларида ҳам империализмнинг гумаштаси ва бевосита агентлари орасидан ўзига дўст ва иттифоқчи изламоқдалар. Яқин Шарқда улар араблар дунёсининг ашаддий реакцион кучлари билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоқдалар. Пекин Тель-Авив билан дастлабки расмий алоқалар ўрнатди. У Миср-Исроил сепарат битимининг очиқдан-очиқ тарафдоридир. Пекин Уммон билан дипломатик муносабатлар ўрнатди. Ҳолбуки Уммондаги халққа қарши султонлик режими империалистларнинг мадади билангина сақланиб турибди ва ажнабийларнинг найзасига суянади.

Хитой реакция ва контрреволюция кучлари билан апоқ-чапоқ бўлаётганлигига Африка қитъасидан ҳам анча-мунча мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Анголада Хитой маслаҳатчилари ва Хитойнинг қурол-яроғи Марказий разведка бошқармасининг машҳур тиррик агенти Роберто тўдасини қўллаб-қувватлади. Роберто тўдасининг шу ташкилотга мансублиги АҚШ конгрессида рад этиб бўлмайдиган далиллар билан исбот қилинганди. Пекин Жанубий Африка ирқчилари ва ўша Марказий разведка бошқармаси билан бирга Заирдаги халққа қарши сотқин режимни иштиёқ билан қўллаб-қувватламоқда.

Буларнинг ҳаммаси, деб таъкидлайди Ҳиндистоннинг «Нью эйж» газетаси, «маоизм Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги миллий-озодлик ҳаракатларига қарши, бутун дунёда тинчликка қарши империализм билан бирлашган фронт яратиш йўлига ўтганлигини» сўзсиз исбот этади.

Г. ШИШКИН.
(ТАСС).

Йиллар ва одамлар

ҲУНАРМАНД МЎЪЖИЗАСИ

Мўъжазгина хона. Бир қарашда бу ерда ҳеч қандай мўъжиза ёки сир йўққа ўхшайди. Ҳамма нарса оддий. Эгов, моя шохи, мис, кўргошин...

Бўйчан, миқти гавдаси ўзига ярашиб турган Раҳимжон отанинг ҳаракатлари аниқ, равон. Унинг хиёл табассуми, хушфеъл табиатига боқиб туриб, етмиш ёшга бориб қолганига унча ишонгимиз келмайди.

— Етти пуштимиз, авлод-аждодимиз пичоқ ясаб ўтган, — дейди ота. — Бобом Азимбой пичоқчи асли чустлик бўлиб, бутун Фарғона вилоятида машҳур бўлган. Отам уста Солижон Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрихон усталарининг анжуманида қатнашиб, ўз маҳсулоти билан 1933 йилда фахрий биринчи ўринни олган. Отам менга устозлик қилган. У кишининг қўлида сайқал топган Чуст пичоқлари ўз даврида Москва, Лондон, Париж ҳамда Варшава шаҳарларида ташкил этилган кўргазмаларда шуҳрат қозонган. Отамнинг меҳр кўри, билак кучи билан яратилган нодир пичоқлар ўзининг нафислиги, санъаткорона ишланиши билан болалигимдаёқ қизиқтириб қўйганди...

Одатда ишлаб турган кишининг қўлига тикилиб қолиш одобдан эмас. Лекин Раҳимжон отанинг қўл ҳаракати, эҳтиёт ва истеъдодини кўрган киши ундан асло кўз узолмайди. Оддий бир эгов ёки пўлат бўлаги унинг бармоқларида сайқалланиб, афсонавий бир тарзда 8, 10, 12... 28 сантиметрли хилма-хил пичоқларга айланади. Ана шундай моҳир усталар ҳақида Константин Паустовский манфаатларини ўйлаб бошқаларнинг яхши кайфиятига халал берадилар, ўз туриш-турмушларидан мамнун бўлиш ўрнига ҳар доим ҳасратларидан чанг чиқариб юрадилар. Улардан фақат ғиво ва фитна, асаббузар гапларни эшитиш мумкин. холос. Ҳаёт тобора фаровонлашиб бораётган бир пайтда ўз турмушидан ўринсиз ноғлиб юрадиган, инжиқлиги ва заруратсиз ҳасрати билан одамларнинг асабига тегадиган бундай кишилар бошқаларга фақат халал берадн. холос.

Бундан бир йил муқаддам олий маълумотли, дурустгина лавозимли бир танишимни учратиб қолдим. Анчадан бери қўришмаганимиз учун ҳол-аҳвол сўрадим.

— Соғ-саломат юрибсизми, болалар тинчми?

Гарчи феълини яхши билсам ҳам унинг жавоби мени ҳайратга солди.

— Раҳмат биродар. Саломатлигим ҳам, болалар ҳам дуруст, — деди у. — Аммо-лекин уй масаласи бир оз чатоқроқ бўлиб турибди-да.

— Қандай уй? Иморат солаётибсизми? Ахир данғилламаа секцияда турардингизку?

Мен сизга айтсам, ошна, бошқаларга ҳасад қиламан, улар жаҳаннатиб пул ишлашяпти. Мана. масалан. бир профессор қўшним бор...

Унинг гапини бўлдим:

—Қўйинг-е, шунча мартабаларга эришсангиз ҳам нолийсиз-а. Топганим етмайди, дейсиз-у. жуда катта тўй қилибсиз.

— Ҳа, ҳаваслн дунё. тўй қилгани рост. Аммо-лекин тўйдан кейинги аҳволимни ҳам суриштиринг-да. Ҳамёнда ҳеч нарса қолмади, қуп-қуруқ. Биттасидан тўйга деб қарз кўтарган эдим, ноинсофни қарангки, тунов куни «пул керак бўлиб қолди» деб эшигимни тақиллатиб келибди. Ўшанақа ошналарга тушган куним қурсин...

Шу суҳбатдан сўнг бир оз вақт ўтди. Бир куни бояги танишимнинг данғиллама участка солганини эшитдим. Йўлим ўша томонга тушиб, «учма-уч аранг етиб турган» маошга солинган иморатни кўриш ва муборак бўлсин учун уйига кирдим. Эҳ-ҳе. бунака ҳашаматли иморатни қуриш унча-мунча одамнинг қўлидан келавермайди.

— Янги участка мубарак ошна, участка эмас, қаср бўлиб кетибди-ку, — дедим унга.

Танишимдан бу гал илиқкина сўз кутгандим. афсуски, нима дейди денг:

— Участка мени хароб қилди. кўлимда бир чақа ҳам қолмади. Бошқалар бунака иморатни кўрдим демай қуриб ташлашади-ку. биз бўлсак... Хуллас аҳвол шунақа оғайни. Қачон энди биз ҳам бошкалар сингари...

Ишим зарурлигини айтиб тезгина хайрлашдим. лекин дилимда яна бир ёмон кайфият пайдо бўлди. кирганимга пушаймонлар қилдим.

Ақлли кишилар одатда ўз сирларини дуч келган кишиларга айтавермайдилар. Бундай сир жуда зарур бўлиб ёки бирор кўмакка мухтож бўлиб қолгандагина ишонган ва шу мушкул пайтда зарур маслаҳатни бера оладиган кимсаларгагина айтилади. Бас, шундай экан. ўзгаларнинг дилидаги сўзини эшитувчи ҳам шу ишончни оқламоғи зарур. Қалби қандайдир аламли бўлган кишининг сўзига диққат билан қулоқ солмоқ ва ўз ўрнида унга зарур маслаҳат ёки ёрдам бера билмоқ ҳам ўзича бир санъат ва усталикни талаб қилади.

Сирасини айтганда. ҳасрат қилавериш яхши одатдан эмас. Аммо кишилар баъзан ўз дилларидаги қайғуни, аллақандай сабабларданкелиб чиккан вақтинча аламни ёзиш. руҳларини енгиллатиш учун ўзларига яқин олган кишилар билан маслаҳатлашадилар. Бундай дақиқалар ўша кнши учун жуда нозик ва унинг тақдиридаги муҳим фурсат бўлиши мумкин. Шундай пайтда ўзгаларнинг бир оғиз гапи билан унинг кўнгли алватта. таскин топиши, алам оғушидан халос бўлиши керак. Бу эса тингловчининг бамаъни гапига, тўғри хулосасига ва маслаҳатига боғлиқдир.

Афсуски, ҳамма вақт ҳам ана шундай бўлавермайди. Баъзан нотўғри маслаҳат бериб ҳамсуҳбатимиз дардини кучайтирадиган. янги руҳий кечинмалар пайдо бўлишига сабаб бўладиган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Булар асосан шошмашошарлик. бировларнинг тақдирига бефарқ қараш, уларнинг кўнглини ёриб айтган сўзларини менсимаслик натижасида содир бўлади.

Яқинда яна бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Бир ҳамкасбимнинг ёнига ёшгина бир аёл кириб ўзини таништирди-да. «мен ходимларингиздан бирининг хотиниман. рухсат берсангиз сиздан бир маслаҳат сўрамоқчи эдим», деди. Идора бошлиғи унинг сўзларига диққат билан қулоқ солди. хатто иш билан кирган ходимларга ҳам сабр қилишни айтиб, аёлнинг сўзини бўлмади.

— Турмуш қурганимизга бир йил бўлди, — деди аёл. — Битта фарзандимиз ҳам бор...

Ярим соатдан ортиқ вақт ичида бўлган суҳбат чоғида аёл эрининг ўзига ва фарзандларига бепарволиги ва менсимай қараётгани тўғрисида кўз ёши аралаш сўзлаб берди. «Ёш бўлсалар ҳам ўзларига қарамайдилар. институтга ғижимланган киийимда ҳам кетаверадилар. Ахир студентлар олдига бундай бориб бўлмайди, дазмоллаб берай десам, сенинг ишинг бўлмасин, деб менсимай чиқиб кетадилар. Мен бундан номус қиламан», — деди у. Унинг бу гаплари тўғри эди. Чунки шу мавзуда бундан аввал ҳам ўша ходим билан бир неча бор суҳбатлашган эдик. Аёлнинг ҳасрати тугагач. ҳамкасбим унинг билим ва савиясини ўзича ўлчаб чиқди. гапининг мазмунини чақиб. оғир ва босиқлик билан маслаҳат берди:

— Ишончингиз учун раҳмат. Эрингиз бизда хизматда бўлгани учун унинг оилавий турмушига бепарво қаролмаймиз. Негаки. ҳар бир педагогнинг ўзи ҳар жиҳатдан бошқалар учун ибратли ва намунали бўлмоғи зарур. Сизнинг бу ерга келишингиз бизга анча нарсани ойдинлаштирди. Келинг, биргалашиб, эрингизни тарбиялайлик: сиз уйда, биз бўлсак бу ерда. Биргаликда аста-секин иш олиб борсак, бу майда камчиликлар ўзўзидан барҳам топади. Аммо. шарт шуки, сиз ақл ва идрок билан иш тутишингиз керак...

Ҳамкасбим икки ёшнинг эндигина бошланган ҳаёт йўлида учраган бу икир-чикирлар у қадар ташвишли эмаслигини, вақтинча англашилмовчиликлар оқибати эканлигини уқтирди. Унинг сўзлари ҳақ эканлигига аёл ишонди шекилли ўзидан ҳам баъзи камчиликлар ўтганлигини эътироф қилди ва уни такрорламасликка сўз берди. Ҳозир бу оила ҳавас қилса арзийдиган даражада тинч ва тотув яшамоқда.

Ўринсиз ва сабабсиз қилинадиган ҳасрат медикларнинг кўзи билан қараганда ўзича кичик бир руҳий ўзгаришдан, руҳий касалликлардан бири ҳисобланади. Бундай касалликни эса албатта. даволаш зарур.

«Одамнинг ёмон кайфияти аввало унинг ўзини, кейин бошқаларни ҳам бахтсиз қилади. Яхши кайфият эса бамисоли ёг бўлиб. ҳаёт ғилдиракини айлантиради» — деган эди улуғ рус ёзувчиси Л. Н. Толстой. Шундай экан, келинг, ҳамма жойда фақат яхши кайфият бўлишига эришайлик. Ҳасрат ва надомат билан бир-биримизнинг дилимизни ғаш қилиб юргандан кўра. яхшиси учрашганда ёқимли сўзлар, хушхабарлар айтиб, дилимизни хурсанд қилсак саломатлигимиз учун яна ҳам фойдали бўлади.

Ҳаким ЗОҲИДИЙ,
профессор.

Узбекистон пойтахтида янги телевизион техника маркази фойдаланишга топширилди. Бу ерда эшиттиришларни рангли тасвирда олиб бериш учун замонавий жиҳозлар ўрнатилган. Катта студия залидан симфоник концертларни олиб кўрсатиш мумкин. Суратларда: янги марказ ва катта инженер Ш. Раҳимова, инженер У. Маъруповлар бошқарув пульти олдида.

И. Глауберзон фотолари.

ЯНГИ МАВСУМ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик опера ва балет катта театри ўзининг кирк тўққизинчи мавсумини анъанага кўра М. Ашрафийнинг «Дилором» операси билан бошлади. Бу спектакль йигирма йил муқаддам биринчи бор қўйилган эди. Янги мавсумда томошабинлар «Афсоналар водийсида» ва «Жизель» балетлари, «Князь Игорь» ва «Борис Годунов» опералари, бошқа кўпгина ўзлари ёқтириб қолган асарлар билан учрашадилар. Бу йил бир қанча янги премьералар ҳам кутилади.

Лев Николаевич Толстой туғилган куннинг 150 йиллигига бағишлаб театрнинг ижодий коллективи сентябрь ойида Родион Щчедриннинг «Анна Каренина» балетини кўрсатади. Октябрь ойида эса томошабинлар Улуғбек Мусаевнинг Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини ўрнатиш йилларида босмачилар қўлида қалоб бўлган комсомоллар тўғрисидаги «Мангулик» операсини янгича талқинда кўрадилар. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг келгуси йил кўкламда нишонланадиган 90 йиллигига атаб театр Собир Бобоевнинг «Ҳамза» операсини тайёрлаяпти.

Республиканинг катта театри бу йил мавсумни Тошкентдагина очиш билан кифояланган йўқ. Театрнинг концерт бригадаси Самарқанд области бўйлаб сафарга чиқди. Унинг колхоз ва совхозлар дала шийпонларидаги дастлабки томошалари бўлиб ўтди. Шу бригада составида СССР халқ артисти Ҳалима Носирова, республика халқ артистлари Жамол Низомхўжаев. Эргаш Йўлдошев.. Михаил Давидов, Клара Юсупова бошқа таниқли саҳна усталари ва ижодкор ёшлар бор. Улар дала меҳнаткашларини махсус тайёрланган программа билан таништирибгина қолмай, опера ва балет санъати тўғрисида суҳбатлар ҳам ўтказишмоқда.

Ахборот

ПОЙАФЗАЛЧИЛАР ОРОМГОҲИ

Наманган шаҳрининг Мингчинор массивида ҳашаматли бино қад кўтарди. Унинг пештоқига «Пойафзал фабрикаси ормгоҳи» деб ёзиб қўйилган. Наманган пойафзалчилари бир ярим ой давомида Мингчинор массивида юздан ортиқ киши дам оладиган сўлим ормгоҳ барпо қилдилар.

Ҳ. ТОИРОВ.

МЕҲНАТКАШЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Самарқанд областидаги Жума шаҳрида **160 ўрандага** мўлжалланган «Лола» ресторани ишга туширилган эди. Шаҳар марказида яна уч қаватли янги маиший хизмат кўрсатиш уйи қад кўтарди. Бу ерда сартаросҳона, кийим-кечакларни химиявий усулда тозалаш, тикиш-бичиш каби бўлимлар аҳолига хизмат қила бошлади. Бинони 6-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бунёд этдилар.

Ҳ. ШОМУРОДОВ.

Ахлоқ мавзуида

ЯХШИ КАЙФИЯТ

Халқимизда киши тафтини киши олади. деган мақол бор. Дарҳақиқат. киши-кишига ичидаги дардини. ўй ва режаларини айтиб кўнглини ёзади. Қалби ором олади. Аммо шундайлар ҳам борки. фақат ўзларининг шахсий манфаатларини ўйлаб бошқаларнинг яхши кайфиятига халал берадилар. ўз туриш-турмушларидан мамнун бўлиш ўрнига ҳар доим ҳасратларидан чанг чиқариб юрадилар. Улардан фақат ғиво ва фитна, асаббузар гапларни эшитиш мумкин. холос. Ҳаёт тобора фаровонлашиб бораётган бир пайтда ўз турмушидан ўринсиз ноғлиб юрадиган, инжиқлиги ва заруратсиз ҳасрати билан одамларнинг асабига тегадиган бундай кишилар бошқаларга фақат халал берадн. холос.

Бундан бир йил муқаддам олий маълумотли, дурустгина лавозимли бир таниш-мни учратиб қолдим. Анчадан бери қўришмаганимиз учун ҳол-аҳвол сўрадим.

— Соғ-саломат юрибсизми, болалар тинчми?

Гарчи феълини яхши билсам ҳам унинг жавоби мени ҳайратга солди.

— Раҳмат биродар. Саломатлигим ҳам, болалар ҳам дуруст, — деди у. — Аммо-лекин уй масаласи бир оз чатоқроқ бўлиб турибди-да.

— Қандай уй? Иморат солаётибсизми? Ахир данғиллама секцияда турардингизку?

Мен сизга айтсам, ошна, бошқаларга ҳасад қиламан, улар жаҳаннатиб пул ишлашяпти. Мана. масалан. бир профессор қўшним бор...

Унинг гапини бўлдим:

—Қўйинг-е, шунча мартабаларга эришсангиз ҳам нолийсиз-а. Топганим етмайди, дейсиз-у. жуда катта тўй қилибсиз.

— Ҳа, ҳаваслн дунё. тўй қилгани рост. Аммо-лекин тўйдан кейинги аҳволимни ҳам суриштиринг-да. Ҳамёнда ҳеч нарса қолмади, қуп-қуруқ. Биттасидан тўйга деб қарз кўтарган эдим, ноинсофни қарангки, тунов куни «пул керак бўлиб қолди» деб эшигимни тақиллатиб келибди. Ўшанақа ошналарга тушган куним қурсин...

Шу суҳбатдан сўнг бир оз вақт ўтди. Бир куни бояги танишимнинг данғиллама участка солганини эшитдим. Йўлим ўша томонга тушиб, «учма-уч аранг етиб турган» маошга солинган иморатни кўриш ва муборак бўлсин учун уйига кирдим. Эҳ-ҳе. бунака ҳашаматли иморатни қуриш унча-мунча одамнинг қўлидан келавермайди.

— Янги участка мубарак ошна, участка эмас, қаср бўлиб кетибди-ку, — дедим унга.

Танишимдан бу гал илиқкина сўз кутгандим. афсуски, нима дейди денг:

— Участка мени хароб қилди. кўлимда бир чақа ҳам қолмади. Бошқалар бунака иморатни кўрдим демай қуриб ташлашади-ку. биз бўлсак... Хуллас аҳвол шунақа оғайни. Қачон энди биз ҳам бошкалар сингари...

Ишим зарурлигини айтиб тезгина хайрлашдим. лекин дилимда яна бир ёмон кайфият пайдо бўлди. кирганимга пушаймонлар қилдим.

Ақлли кишилар одатда ўз сирларини дуч келган кишиларга айтавермайдилар. Бундай сир жуда зарур бўлиб ёки бирор кўмакка мухтож бўлиб қолгандагина ишонган ва шу мушкул пайтда зарур маслаҳатни бера оладиган кимсаларгагина айтилади. Бас, шундай экан. ўзгаларнинг дилидаги сўзини эшитувчи ҳам шу ишончни оқламоғи зарур. Қалби қандайдир аламли бўлган кишининг сўзига диққат билан қулоқ солмоқ ва ўз ўрнида унга зарур маслаҳат ёки ёрдам бера билмоқ ҳам ўзича бир санъат ва усталикни талаб қилади.

Сирасини айтганда. ҳасрат қилавериш яхши одатдан эмас. Аммо кишилар баъзан ўз дилларидаги қайғуни, аллақандай сабабларданкелиб чиккан вақтинча аламни ёзиш. руҳларини енгиллатиш учун ўзларига яқин олган кишилар билан маслаҳатлашадилар. Бундай дақиқалар ўша кнши учун жуда нозик ва унинг тақдиридаги муҳим фурсат бўлиши мумкин. Шундай пайтда ўзгаларнинг бир оғиз гапи билан унинг кўнгли алватта. таскин топиши, алам оғушидан халос бўлиши керак. Бу эса тингловчининг бамаъни гапига, тўғри хулосасига ва маслаҳатига боғлиқдир.

Афсуски, ҳамма вақт ҳам ана шундай бўлавермайди. Баъзан нотўғри маслаҳат бериб ҳамсуҳбатимиз дардини кучайтирадиган. янги руҳий кечинмалар пайдо бўлишига сабаб бўладиган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Булар асосан шошмашошарлик. бировларнинг тақдирига бефарқ қараш, уларнинг кўнглини ёриб айтган сўзларини менсимаслик натижасида содир бўлади.

Яқинда яна бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Бир ҳамкасбимнинг ёнига ёшгина бир аёл кириб ўзини таништирди-да. «мен ходимларингиздан бирининг хотиниман. рухсат берсангиз сиздан бир маслаҳат сўрамоқчи эдим», деди. Идора бошлиғи унинг сўзларига диққат билан қулоқ солди. хатто иш билан кирган ходимларга ҳам сабр қилишни айтиб, аёлнинг сўзини бўлмади.

— Турмуш қурганимизга бир йил бўлди, — деди аёл. — Битта фарзандимиз ҳам бор...

Ярим соатдан ортиқ вақт ичида бўлган суҳбат чоғида аёл эрининг ўзига ва фарзандларига бепарволиги ва менсимай қараётгани тўғрисида кўз ёши аралаш сўзлаб берди. «Ёш бўлсалар ҳам ўзларига қарамайдилар. институтга ғижимланган киийимда ҳам кетаверадилар. Ахир студентлар олдига бундай бориб бўлмайди, дазмоллаб берай десам, сенинг ишинг бўлмасин, деб менсимай чиқиб кетадилар. Мен бундан номус қиламан», — деди у. Унинг бу гаплари тўғри эди. Чунки шу мавзуда бундан аввал ҳам ўша ходим билан бир неча бор суҳбатлашган эдик. Аёлнинг ҳасрати тугагач. ҳамкасбим унинг билим ва савиясини ўзича ўлчаб чиқди. гапининг мазмунини чақиб. оғир ва босиқлик билан маслаҳат берди:

— Ишончингиз учун раҳмат. Эрингиз бизда хизматда бўлгани учун унинг оилавий турмушига бепарво қаролмаймиз. Негаки. ҳар бир педагогнинг ўзи ҳар жиҳатдан бошқалар учун ибратли ва намунали бўлмоғи зарур. Сизнинг бу ерга келишингиз бизга анча нарсани ойдинлаштирди. Келинг, биргалашиб, эрингизни тарбиялайлик: сиз уйда, биз бўлсак бу ерда. Биргаликда аста-секин иш олиб борсак, бу майда камчиликлар ўзўзидан барҳам топади. Аммо. шарт шуки, сиз ақл ва идрок билан иш тутишингиз керак...

Ҳамкасбим икки ёшнинг эндигина бошланган ҳаёт йўлида учраган бу икир-чикирлар у қадар ташвишли эмаслигини, вақтинча англашилмовчиликлар оқибати эканлигини уқтирди. Унинг сўзлари ҳақ эканлигига аёл ишонди шекилли ўзидан ҳам баъзи камчиликлар ўтганлигини эътироф қилди ва уни такрорламасликка сўз берди. Ҳозир бу оила ҳавас қилса арзийдиган даражада тинч ва тотув яшамоқда.

Ўринсиз ва сабабсиз қилинадиган ҳасрат медикларнинг кўзи билан қараганда ўзича кичик бир руҳий ўзгаришдан, руҳий касалликлардан бири ҳисобланади. Бундай касалликни эса албатта. даволаш зарур.

«Одамнинг ёмон кайфияти аввало унинг ўзини, кейин бошқаларни ҳам бахтсиз қилади. Яхши кайфият эса бамисоли ёг бўлиб. ҳаёт ғилдиракини айлантиради» — деган эди улуғ рус ёзувчиси Л. Н. Толстой. Шундай экан, келинг, ҳамма жойда фақат яхши кайфият бўлишига эришайлик. Ҳасрат ва надомат билан бир-биримизнинг дилимизни ғаш қилиб юргандан кўра. яхшиси учрашганда ёқимли сўзлар, хушхабарлар айтиб, дилимизни хурсанд қилсак саломатлигимиз учун яна ҳам фойдали бўлади.

Ҳаким ЗОҲИДИЙ,
профессор.

СПОРТ

ҚИЛИЧБОЗЛИК:

Собирнинг икки медали

Бухарестда армиячи-спортчилар чемпионати мусобақасида совет қиличбозлари зафар қучдилар. Олимпиада чемпиони, москвалик Виктор Кровопусков кўксига олтин медаль тақди. Руминиялик ҳамда венгриялик спортчилар иккинчи ва учинчи ўринларни банд этишган. Виктор команда ҳисобида ғалаба қилган бўлса, халқаро классли спорт мастери, тошкентлик Собир Рўзиев бир йўла икки олтин медални қўлга киритди. У рапирачилар баҳсида умумкоманда ва шахсий ҳисобда ғолиблик супасининг юқори поғоналарига кўтарилди.

ФУТБОЛ:

Қимматли очколар

Иккинчи лига коллективлари навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди. Кўпдан бери пешқадамлик қилиб келаётган Фрунзенинг «Олға» командаси бу гал «Хива» футболчиларининг меҳмони бўлиб (0:1), имкониятни бой берди. Самарқандлик динамочилар бу сафар ҳам муваффақиятга эришдилар. Улар пешқадамликка даъвогар «Зарафшон» коллективини қабул қилиб (4:1), мавқеларини бир мунча мустаҳкамлаб олдилар. Термизнинг «Автомобилист» командаси футболчилари очколарини 40 тага етказишди. Термизликлар «Пахтачи» командаси билан ўйинда (3:1) ғалабага эришиб, иккинчи ўринда пухтароқ жойлашиб олдилар. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. «Каршистрой» — «Металлург» (Ч)— 0:1. «Амударё»—«Старт» — 0:2, «Хоразм» —»Нефтяник» — 4:1, «Химик» — «Текстильщик» — 3:0, «Орбита» — «Шаҳрихончи» — 3:0, «Строитель» — «Янгиер» — 2:0, «Металлург» (М) — «Бўстон» — 1:1.

	Ю	Д	М	Т	О
«Олға»	18	5	5	41-15	41
«Автомобилист»	18	4	6	51-25	40
«Зарафшон»	16	6	6	45-26	38
«Янгиер»	15	6	7	39-18	36
«Бўстон»	15	5	8	43-30	35
«Хива»	15	4	9	38-24	34
«Хоразм»	14	6	8	45-30	34
«Шаҳрихончи»	14	5	9	38-26	33
«Химик»	14	4	9	49-32	32
«Нефтяник»	13	5	10	37-34	31
«Строитель»	13	3	11	31-34	29
«Пахтачи»	11	6	11	28-26	28
«Металлург» М	10	7	10	37-38	27
«Сигнал»	9	9	9	24-25	27
«Металлург» Ч	8	7	13	29-40	23
«Динамо»	8	6	14	30-42	22
«Орбита»	9	3	15	26-37	21
«Хўжанд»	9	3	16	34-46	21
«Амударё»	8	5	15	21-37	21
«Текстильщик»	7	5	16	17-36	19
«Актюбинец»	7	4	16	18-46	18
«Старт»	6	2	20	23-48	14
«Каршистрой»	5	4	19	19-50	14

Стартлар ва марралар

● ЧИМ ХОККЕЙ. Андижоннинг «Меҳнат» командаси «Уральский трубник» коллективи билан такрорий ўйинда ҳам муваффақият (3:0) қозонди. Андижонликлар 22 ўйиндан кейин 28 очко билан тўртинчи ўринни банд этиб турибдилар.

● ВЕЛОПОЙГА. Москва яқинидаги Ногинск трек майдонида пешқадамни қувиш пойгаси ўтказилди. Бунда тошкентлик Г. Крюченко ғолиблик қилди.

● ФУТБОЛ: Бутуниттифоқ физкультурачилар кунги мамлакат кубоги учун финал учрашув ўтказилди. «Торпедо» стадионида киевлик динамочилар билан донецклик кончилар ўзаро куч синашишди. Бу учрашув динамочилар фойдасига (2:1) ҳал бўлиб, биллур соврин бешинчи марта киевга йўл олди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Опера билан учрашув». 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — «Тарих саҳифалари». 16.25 — «Она ерим сенга меҳрим». 16.55 — Концерт. 17.15 — Чексиз муҳаббат сўқмоқлари бўйлаб (бадиий фильм). 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Мангу ва янги Ҳиндистон» кинопрограмма. 19.30 — Бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақа. 20.30 — «Мен бахтли одамман». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Поэзия альманахи. 23.20 — Концерт. 23.35 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — «Лёнканинг таътиллари» телевизион фильм. 18.15 — Қувноқ пионер ёзи. 18.45— Партия ходими минбари. 19.00 — Бугун — Ҳиндистон мустақиллиги куни. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Кино усталари. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — Москва. «Вақт». 22.00 — КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга! 22.15 — «Уруш ва тинчлик» (бадиий фильм, 2-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Ўлик мавсум» (бадиий фильм, 2-серия). 20.05 — Янгиликлар. 20.25 — «Бу мангу беҳаловатлигим» (фильм-концерт). 21.00 — «Йўлда» (телевизион бадиий фильм).

Радио

БУГУН

Биринчи программа. 8.30 — С. Ҳайтбоев қўшиқлари. 9.30 — Халқ талантлари ижросида концерт. 11.15 — «Райком инструктори» (очерк). 11.25— «Ўзбекистон хотин-қизлари» (кантата). 12.00 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — «Қизилтепа районида чорвачилик нега орқасаяпти?» 13.30 — Дўстларимиз эстрадаси. 14.00 — КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга! 16.10 — «Тинчлик — менинг қўшиғим». 18.30 — Москва. «Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари». 18.50 — «Ёшлик». 19.30 — «Гуллаб-яшнаш йўлидан». 19.40 — Най наволари. 20.25 — Қорақалпоқ куйлари. 21.00 — Механизаторлар учун концерт. 21.30 — С. Кароматов. «Олтин қум». (романдан парча). 22.28. — Ўзбек композиторларининг романслари. 23.20 — Лирик қўшиқлар.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/VIII да **Севилья сартароши**, 16/VIII да **Сўғд элининг қоплони**, 17/VIII да **Чио-чио-сан**.

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА (Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали театри биносида) — 15/VIII да **Уйланиш**, 16/VIII да **Келинлар қўзғолони**, 17/VIII да **Ганг дарёсининг қизи**.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Эй, бахтли инсон!** (10.30, 13.15, 16, 18.45).

Пятницкий кўчасидаги қоровқхона — «ЧАЙКА» (16, 20.00).

Лейтенант Слейднинг хатоси — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 18.00), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.30, 19, 20.00), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 20, 21.40), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45).

Топталган туйғулар—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Пятницкий кўчасидаги қоровқхона — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45, 22.30).

Топталган туйғулар — «ХИВА» (20.45, 22,30).

●

«Союзлифтмонтаж» трести

ОЛМАОТА МОНТАЖ БОШҚАРМАСИНИНГ ЎРТА ОСИЁ МОНТАЖ УЧАСТКАСИ

18 ёшга тўлган йигитларни, Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларни ва вақтинча ишламаётган гражданларни лифт монтажчилари касбини эгаллаш учун

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 5 ой (практика билан).

Ўқиш даврида ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади. Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ЖОЙИГА БОРИШ ВА ҚАЙТИШ ҲАРАЖАТЛАРИ КОРХОНА ҲИСОБИДАН БЎЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 6-квартал. Телефонлар: 78-30-79, 78-30-68.

●

РЕСПУБЛИКА МАХСУС КЎР БОЛАЛАР МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

1978-1979 ўқув йили учун кўзи оғриқ ва чала кўрадиган болаларни

1—11-синфларга ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ШУНИНГДЕК, МАКТАБ ҚОШИДАГИ БОГЧАГА 4 ЕШДАН 7 ЕШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қабул қилинган болалар тўла давлат таъминотида бўлади.

ҲУЖЖАТЛАРНИ 30 АВГУСТГАЧА ТОПШИРИШ МУМКИН.

Қабул қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: касаллик тарихи, врачларнинг йўлланмаси, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, 2 та фотосурат, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, ариза.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Г. Петров кўчаси, 20-уй, (3, 13, 22, 23-трамвайлар, 30, 111, 89-автобусларнинг «Шаҳтри» кўчаси бекати).

●

ТОШКЕНТ ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН, 17-24 ЕШЛИ ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Телефонистканларнинг иш куни 6 соатли. Меҳнат отпускаси 18 кун.

Ўқувчиларга ҳар ойда 60 сўмдан стипендия берилади.

ХОҲЛАГАНЛАР АЛОҚА ИНСТИТУТИ ЕКИ ТЕХНИКУМИНИНГ СИРТҚИ БЎЛИМИДА ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри. Навоий кўчаси, 28-уй. (Янги бинода).

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000 ГСП. Тошкент, Ленин проспекти 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05. секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси— 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27. хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — ҚҚАССР —